

# **Тафсири Муяссар ( 03 ) Оли Имрон сурасининг тафсири**



**Муаллиф: Бир гуруҳ сара уламолар  
тайёрлаган**

**Таржимон: Исмоил Муҳаммад Яъқуб**

**Муҳаррир: Абу Абдуллоҳ Шоший**

# التفسير الميسر 03 : سورة آل عمران

(باللغة الأوزبكية)



تأليف: إعداد نخبة من العلماء

ترجمة: إسماعيل محمد يعقوب

مراجعة: أبو عبد الله الشاشي

**المكتب التعاوني للدعوة وتوعية الجاليات بالربوة**

هاتف: +966114454900 فاكس: +9661144970126 ص ب: 29465 الرياض: 11457

**ISLAMIC PROPAGATION OFFICE IN RABWAH**

P.O.BOX 29465 RIYADH 11457 TEL: +966 11 4454900 FAX: +966 11 4970126



OFFICERABWAH

Оли Имрон сурасининг тафсири «Тафсири Муяссар» китобидан таржима қилинган бўлиб, оятлар маънолари лўнда ва енгил шарҳлаб берилгандир. Ушбу тафсир бир гуруҳ сара уламолар томонидан тайёрланган бўлиб, қўйидаги интизомга риоя қилинган: саҳиҳ маълумотлар муқаддам қўйилган; саҳиҳ ёки қувватли қавлни келтириш билан кифояланилган; тафсир қиларкан Қуръоннинг йўлланмаси ва Ислон шариати мақсадлари очиб берилган; нотаниш калималарни изоҳлаш билан бирга қисқа ва енгил иборалар қўлланилган; Мусҳафнинг Мадина босмасининг хошияларига сиғадиган даражада тафсир қилинган; заруратсиз ривоятларни келтирмасдан тўғридан-тўғри оят маънолари келтирилган; Ҳафснинг Осимдан қилган ривоятидаги қироатга мувофиқ тафсир қилинган; бошқа тилларга таржима қилинишига қулай қилинган; ҳар бир оят алоҳида тафсир қилинган.

## 3- سورة آل عمران

### 3. «ОЛИ ИМРОН» СУРАСИ

#### الم (1)

1. Ушбу ҳарфлар ҳақида сўз «Бакара» сураси аввалида ўтди.

#### اللَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الْحَيُّ الْقَيُّومُ (2)

2. Аллоҳ — илоҳлик ва маъбудликка Угина ҳақли бўлган ягона Зотдир. У комил ҳаёт маъноларининг барчасига Ўз улуғлигига лойиқ бўлганидек эга бўлган Ҳай — Тирикдир, Қайюм — барча нарса устида қоимдир (бутун борликни бошқариб турувчи ва барча махлуқотининг тадбирини қилиб турувчидир).

#### نَزَّلَ عَلَيْكَ الْكِتَابَ بِالْحَقِّ مُصَدِّقًا لِمَا بَيْنَ يَدَيْهِ وَأَنْزَلَ التَّوْرَةَ وَالْإِنْجِيلَ (3)

Мин қибл Һудӣ лилнаис وَأَنْزَلَ الْفُرْقَانَ إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا بِآيَاتِ اللَّهِ لَهُمْ عَذَابٌ

#### شَدِيدٌ وَاللَّهُ عَزِيزٌ ذُو انتِقَامٍ (4)

3, 4. У сизга Қуръонни шак-шубҳасиз ҳақ билан, ўзидан аввалги китоб ва пайғамбарларни тасдиқловчи қилиб туширди. У зот Қуръон нозил қилишдан аввал одамларни иймонга йўллаш, уларнинг дин ва дунёларини ислоҳ қилиш учун Мусо алайҳиссаломга Тавротни, Ийсо алайҳиссаломга Инжилни нозил қилган. Энди У ҳақ билан ботил ўртасини ажратувчи Фурқонни нозил қилди. Аллоҳ нозил қилган оятларни инкор қилган кимсалар учун улкан азоб бордир. Аллоҳ ҳеч ким бас келолмайдиган Азиз — қудратлидир,

Унинг ҳужжату далилларини ва ягона ҳақ маъбудлигини инкор қилган кимсалардан интиқом олувчи-дир.

إِنَّ اللَّهَ لَا يَخْفَىٰ عَلَيْهِ شَيْءٌ فِي الْأَرْضِ وَلَا فِي السَّمَاءِ (5)

5. Аллоҳнинг илми барча махлуқотни қамраб олган, Еру осмондаги каттаю кичик ҳеч бир нарса Унга махфий эмас.

هُوَ الَّذِي يُصَوِّرُكُمْ فِي الْأَرْحَامِ كَيْفَ يَشَاءُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ (6)

6. Фақат Унинг Ўзи оналарингиз қорнида сизларни Ўзи истаганидек, ўғил ё қиз, чиройли ё кўримсиз, бахтли ё бахтсиз қилиб яратади. Ундан ўзга ҳақ маъбуд йўқ, У ҳеч ким бас келолмайдиған Азиз (қудратли) ва барча ишу тадбирида Ҳақим (доно) Зотдир.

هُوَ الَّذِي أَنْزَلَ عَلَيْكَ الْكِتَابَ مِنْهُ آيَاتٌ مُحْكَمَاتٌ هُنَّ أُمُّ الْكِتَابِ وَأُخْرُ

مُتَشَابِهَاتٌ فَأَمَّا الَّذِينَ فِي قُلُوبِهِمْ زَيْغٌ فَيَتَّبِعُونَ مَا تَشَابَهَ مِنْهُ ابْتِغَاءَ الْفِتْنَةِ

وَابْتِغَاءَ تَأْوِيلِهِ وَمَا يَعْلَمُ تَأْوِيلَهُ إِلَّا اللَّهُ وَالرَّاسِخُونَ فِي الْعِلْمِ يَقُولُونَ آمَنَّا بِهِ

كُلٌّ مِنْ عِنْدِ رَبِّنَا وَمَا يَذَّكَّرُ إِلَّا أُولُو الْأَلْبَابِ (7)

7. Унинг Ўзи сизга Қуръонни нозил қилдики, унда муҳкам — далолати очиқ-равшан оятлар бор ва улар Китобнинг аслидир, иштибоҳ қилинган пайтда уларга мурожаат қилинади ва зиддиятлар уларга қайтарилади. Яна унда муташобих — бошқа маъноларни ҳам ташиш эҳтимоли бўлган, улардан аниқ мурод нима эканини фақат муҳкам оятларга боғлабгина билиш мумкин бўлган оятлар ҳам бор. Қалбида мараз ва тойилиш бўлган кимсалар мақсадлари ёмонлигидан одамларни адаштириш қасдида улар ўртасида шубҳалар тарқатиш учун ва ўз ботил йўлларига мувофиқ таъвил қилиш учун ўша муташобих оятларгагина эргаша-

дилар. Вахоланки, ушбу оятларнинг хақиқий маъносини Аллохдан ўзга ҳеч ким билмайди. Илмда собитқадам бўлганлар: «Биз бу Куръонга иймон келтирдик, унинг ҳамма оятлари Роббимиз ҳузуридан, пайғамбари Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва саллам тилларида келган», дейдилар ва муташобихини муҳкамига қайтардилар. Фақат соғлом ақл эгаларигина маъноларни тўғри тушуниб, англаб, тафаккур қиладилар.

رَبَّنَا لَا تُرِغْ قُلُوبَنَا بَعْدَ إِذْ هَدَيْتَنَا وَهَبْ لَنَا مِنْ لَدُنْكَ رَحْمَةً إِنَّكَ أَنْتَ  
الْوَهَّابُ (8)

8. Улар айтадилар: Эй Роббимиз, бизларга марҳамат кўрсатиб, Ўз динингга ҳидоят қилганингдан сўнг энди калбларимизни Ўзингга иймон келтиришдан буриб қўймагин, бизларга Ўз фазлингдан кенг-мўл раҳмат ато этгин. Албатта, Сен Ваҳҳобсан — кўп фазлу марҳамат ато этувчи, истаган бандангга ҳисобсиз берувчи Зотсан.

رَبَّنَا إِنَّكَ جَامِعُ النَّاسِ لِيَوْمٍ لَا رَيْبَ فِيهِ إِنَّ اللَّهَ لَا يُخْلِفُ الْمِيعَادَ (9)

9. Эй Роббимиз, биз Сенинг барча инсонларни шакшубҳасиз бир кунда — Қиёмат кунда жамловчи эканингга иқромиз ва гувоҳлик берамиз. Албатта, Сен бандаларингга берган ваъдангга асло хилоф қилмайсан.

إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا لَنْ نُغْنِي عَنْهُمْ أَمْوَالُهُمْ وَلَا أَوْلَادُهُمْ مِنَ اللَّهِ شَيْئاً وَأُولَئِكَ  
هُمْ وَقُودُ النَّارِ (10)

10. Ҳақ динни инкор қилиб, кофир бўлган кишиларга моллари ҳам, болалари ҳам дунёда улар устига келадиган азобни қайтаришда бирон фойда бермайди ва охиратда ҳам

улардан асло азобни даф қилолмайдди. Улар Қиёмат куни дўзах ўтинларидир.

كَذَّابٍ آلٍ فِرْعَوْنَ وَالَّذِينَ مِنْ قَبْلِهِمْ كَذَّبُوا بِآيَاتِنَا فَأَخَذَهُمُ اللَّهُ بِذُنُوبِهِمْ وَاللَّهُ  
شَدِيدُ الْعِقَابِ (11)

11. Кофирларнинг (динни) ёлғон санашлари ва бошларига тушадиган бало борасидаги ҳоли худди Фиръавн ва ундан олдинги кофирларнинг ҳолига ўхшайдики, Аллоҳнинг очиқ-равшан оят-аломатларини инкор қилишгач, Аллоҳ улар устига тезлик билан Ўз азобини туширди. Аллоҳ — Унга кофир бўлган ва пайғамбарларини ёлғончига чиқарган кимсаларга азоби қаттиқ Зотдир.

قُلْ لِلَّذِينَ كَفَرُوا سَتُغْلَبُونَ وَتُخْشَرُونَ إِلَىٰ جَهَنَّمَ وَيَبِئْسَ الْمِهَادُ (12)

12. Эй Пайғамбар, яҳуд ва бошқа кофирларга ҳамда сизнинг Бадрдаги ғалабангизга беписанд қараган кимсаларга айтинг: «Сизлар, ҳеч шубҳасиз, дунёда мағлуб бўласиз ва куфр устида ўласиз, охиратда эса жаҳаннамга йигиласиз ва дўзах олови сизлар учун тўшак бўлади. У нақадар ёмон жой!».

قَدْ كَانَ لَكُمْ آيَةٌ فِي فِئَتَيْنِ الْتَقَتَا فِئَةٌ تُقَاتِلُ فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَأُخْرَىٰ كَافِرَةٌ  
يَرَوْنَهُمْ مِثْلَيْهِمْ رَأْيَ الْعَيْنِ وَاللَّهُ يُؤَيِّدُ بِنَصْرِهِ مَنْ يَشَاءُ إِنَّ فِي ذَلِكَ لَعِبْرَةً  
لِأُولِي الْأَبْصَارِ (13)

13. Эй саркаш ва мутақаббир яҳудлар, Бадр жангида ўзаро тўкнашган икки гуруҳда сизлар учун жуда катта далолат ва ибрат бор эди. Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва саллам ва у зотнинг асҳобларидан иборат бир гуруҳ Аллоҳнинг дини учун урушган, иккинчиси эса Аллоҳга

кофир бўлганлар гуруҳи бўлиб, ботил учун урушарди. Улар ўз кўзлари билан мўминлар ададини ўзларидан икки баробар ортиқ деб кўриб туришарди. Аллоҳ мана шу нарсани мусулмонларнинг улар устидан ғолиб бўлишларига сабаб қилди. Аллоҳ бандаларидан истаган кишисини Ўз нусрати билан қувватлайди. Албатта, бўлиб ўтган бу ходисада Аллоҳнинг ҳикматлари ва иш-фeyллари(ни англаш йўли)га йўлланувчи онгли кишилар учун жуда катта ибрат бордир.

زَيْنَ لِلنَّاسِ حُبُّ الشَّهَوَاتِ مِنَ النِّسَاءِ وَالْبَنِينَ وَالْقَنَاطِيرِ الْمُقَنْطَرَةِ مِنَ الذَّهَبِ وَالْفِضَّةِ وَالْخَيْلِ الْمُسَوَّمَةِ وَالْأَنْعَامِ وَالْحَرْثِ ذَلِكَ مَتَاعُ الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَاللَّهُ عِنْدَهُ حُسْنُ الْمَاَبِ (14)

14. Одамларга хотинлар, болалар, битмас-туганмас олтин-кумушлар, яхши отлар, туя ва мол-қўй каби чорва ҳайвонлари, боғдорчилик ва экин-тикин қилинадиган ерлардан иборат майл-истакларга муҳаббат қўйиш чиройли қилинди. Булар дунё ҳаётининг матолари ва йўк бўлиб кетувчи зеб-зийнатларидир. Аллоҳнинг ҳузурда эса гўзал оқибат ва чиройли мукофот — жаннат бордир.

قُلْ أُؤْتِبْتُكُم بِخَيْرٍ مِنْ ذَلِكَ لِلَّذِينَ اتَّقَوْا عِنْدَ رَبِّهِمْ جَنَّاتٌ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ خَالِدِينَ فِيهَا وَأَزْوَاجٌ مُطَهَّرَةٌ وَرِضْوَانٌ مِنَ اللَّهِ وَاللَّهُ بَصِيرٌ بِالْعِبَادِ (15)

15. Айтинг, эй Пайғамбар: Мен сизларга бу дунё ҳаётида одамлар учун чиройли қилиб қўйилган нарсалардан кўра яхшироқ нарсанинг хабарини берайми? Аллоҳдан такво қилган ва Унинг азобидан қўрққан кишилар учун жаннатлар бордир, улардаги қасрлар ва дарахтзорлар остидан анҳорлар оқиб ўтади. Улар унда абадий қоладилар. Улар учун у



жаннатларда ҳайзу нифос, ёмон хулқ ва бошқа айбу нуксонлардан покиза жуфтлар бор. Улар учун бундан ҳам улуғроқ мукофот — Аллоҳнинг розилиги бор. Аллоҳ халойиқларнинг дилларидаги яширин сирларидан хабардор ва уларнинг барча ҳолатларини билувчи Зотдир. У Қиёмат куни уларга жазою мукофотлар беради.

الَّذِينَ يَقُولُونَ رَبَّنَا إِنَّنَا أَمْنَا فَأَغْفِرْ لَنَا ذُنُوبَنَا وَقِنَا عَذَابَ النَّارِ (16)

16. У такводор бандалар: «Эй Роббимиз, биз Сенга иймон келтирдик ва пайғамбаринг Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва салламга эргашдик. Ўзинг бизнинг гуноҳларимизни кечиргин ва бизга дўзах ўтидан нажот бергин», дейдилар.

الصَّابِرِينَ وَالصَّادِقِينَ وَالْقَانِتِينَ وَالْمُنْفِقِينَ وَالْمُسْتَغْفِرِينَ بِالْأَسْحَارِ (17)

17. Улар тоат-ибодатлар қилиш ва гуноҳлардан тийилишга, шунингдек бошларига келадиган қазо-қадар аччиқликларига сабр-тоқатли, сўзу ишларида содиқ, мукамал тоат-ибодатли, махфию ошкор инфоқ-эҳсон қилувчи ва дуолар қабул бўладиган саҳар пайтларида истиғфор айтувчи кишилардир.

شَهِدَ اللَّهُ أَنَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ وَالْمَلَائِكَةُ وَأُولُوا الْعِلْمِ قَائِمًا بِالْقِسْطِ لَا إِلَهَ إِلَّا

هُوَ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ (18)

18. Аллоҳ таоло Ўзининг ягона ҳақ маъбуд эканига гувоҳлик берди ва Ўз гувоҳлигини фаришталар ва аҳли илмларнинг энг олий нарасага — Унинг тавҳиди ва адолатни барпо этиши ҳақида — берган гувоҳликларига бириктирди. Истаган нарасига ҳеч ким тўсқинлик қилолмайдиган Қудратли ва сўзу ишларида Ҳикматли бўлган У Зотдан ўзга барҳақ маъбуд йўқдир.

إِنَّ الدِّينَ عِنْدَ اللَّهِ الْإِسْلَامُ وَمَا اخْتَلَفَ الَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ إِلَّا مِنْ بَعْدِ مَا  
جَاءَهُمُ الْعِلْمُ بَغْيًا بَيْنَهُمْ وَمَنْ يَكْفُرْ بِآيَاتِ اللَّهِ فَإِنَّ اللَّهَ سَرِيعُ  
الْحِسَابِ (19)

19. Аллоҳ таоло бутун халқлар учун рози бўлган, элчиларини у билан юборган ва ундан ўзгасини мақбул санамайдиган дин — Исломдир. Ислом — тоат-ибодат билан фақат Аллоҳнинг Ўзига бўйин эгиш, қуллик билан Унгагина таслим бўлиш, Аллоҳ таоло барча замонларда юбориб турган ва охирини Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан хотималаган пайғамбарларга улар олиб келган ишларда эргашишдир. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам пайғамбар қилиб юборилганларидан кейин, энди у зот олиб келган Ислом динидан ўзга бирон дин Аллоҳ таоло наздида мақбул бўлмайди. Яҳудий ва насронийлардан бўлган аҳли китоблар ўзларига пайғамбарлар юборилиш ва китоблар нозил бўлиш билан устларида ҳужжат барпо бўлганидан сўнг ўзаро ихтилоф қилиб, ҳар хил гуруҳ ва тўдаларга бўлиниб кетишлари сабаби фақат дунёталаблиқдан келиб чиққан ҳасад ва адоват бўлди. Ким Аллоҳ нозил қилган оятларни ва Унинг рубубияти ва улуҳиятига далолат қилувчи оят-аломатларни инкор қилса, албатта Аллоҳ ҳисоби тез Зотдир, уларни қилган ишларига муносиб жазо билан жазолайди.

فَإِنْ حَاجُّوكَ فَقُلْ أَسْلَمْتُ وَجْهِيَ لِلَّهِ وَمَنِ اتَّبَعَنِ وَقُلْ لِلَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ  
وَالأُمِّيِّينَ أَسْلَمْتُمْ فَإِنْ أَسْلَمُوا فَقَدِ اهْتَدَوْا وَإِنْ تَوَلَّوْا فَإِنَّمَا عَلَيْكَ الْبَلَاغُ  
وَاللَّهُ بَصِيرٌ بِالْعِبَادِ (20)

20. Эй Пайғамбар, аҳли китобларга қарши далил-хужжатни барпо қилганингиздан сўнг улар сиз билан тавҳид хусусида талашиб-тортишсалар, сиз уларга: «Мен Аллоҳга ихлос билан бўйсундим, энди Унга ҳеч кимни шерик қилмайман. Шунингдек, менга эргашган мўминлар ҳам фақат Аллоҳга ихлос қилиб, Унгагина бўйсундилар», деб айтинг. Яна сиз уларга, араб мушрикларига ва бошқаларга айтингки: «Агар Исломга кирсангиз, энг тўғри йўл, ҳидоят ва ҳақ устида бўласиз. Агар юз ўгирсангиз, ҳисобингиз Аллоҳга ҳавола, менинг вазирам етказишдир, холос. Мана, мен сизларга етказдим ва зарарингизга хужжатни барпо қилдим. Аллоҳ бандаларни кўриб турувчи, уларнинг ишларидан ҳеч бири Унга махфий қолмайдиган Зотдир».

إِنَّ الَّذِينَ يَكْفُرُونَ بِآيَاتِ اللَّهِ وَيَقْتُلُونَ النَّبِيِّينَ بِغَيْرِ حَقٍّ وَيَقْتُلُونَ الَّذِينَ  
يَأْمُرُونَ بِالْقِسْطِ مِنَ النَّاسِ فَبَشِّرْهُمْ بِعَذَابٍ أَلِيمٍ (21)

21. Очқ-равшан далил-хужжатларни ҳамда пайғамбарлар олиб келган нарсаларни инкор қиладиган, Аллоҳнинг пайғамбарларини ноҳақ, зулм билан ўлдирадиган, адолатга ва пайғамбарлар йўлига эргашишга буюраётган кишиларни ўлдирадиган кимсаларга сиз аламли азоб хабарини беринг.

أُولَئِكَ الَّذِينَ حَبِطَتْ أَعْمَالُهُمْ فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ وَمَا لَهُمْ مِنْ نَاصِرِينَ (22)

22. Улар амаллари дунёю охиратда бекор бўлган ва ҳеч бир амали мақбул бўлмайдиган кишилардир, уларга Аллоҳнинг азобидан қутулишга ёрдам берадиган бирон ёрдамчи бўлмас.

أَلَمْ تَرَى إِلَى الَّذِينَ أَوْتُوا نَصِيبًا مِنَ الْكِتَابِ يُدْعَوْنَ إِلَى كِتَابِ اللَّهِ لِيَحْكُمَ  
بَيْنَهُمْ ثُمَّ يُتَوَلَّى فَرِيقٌ مِنْهُمْ وَهُمْ مُعْرِضُونَ (23)

23. Эй Пайғамбар, Аллоҳ таоло уларга китобдан бир улуш берган ва сиз олиб келган нарсанинг (диннинг) ҳақлигини билишган анави яҳудийларнинг ҳолидан ҳам кизикроғини кўрганмисиз?! Улар ўзлари келишолмаган нарасада ўрталарида ажрим қилиб бериши учун Аллоҳнинг Китобига — Қуръонга келишга чорланганларида (Қуръон ҳукми) нафс-ҳаволарига тўғри келмаса, кўплари Аллоҳнинг ҳукмидан бош тортишади. Чунки, ҳақдан юз ўгириш уларнинг одатидир.

ذَلِكَ بِأَنَّهُمْ قَالُوا لَنْ نَمَسَّنَا النَّارَ إِلَّا أَيَّامًا مَعْدُودَاتٍ وَعَرَّهَمُ فِي دِينِهِمْ مَا كَانُوا يَفْتَرُونَ (24)

24. Ҳақдан бундай юз ўгиришлари сабаби аҳли китобларнинг: «Бизга дўзах ўти бир неча санокли кунларгина етади, холос», деган бузук эътиқодларидир. Мана шу эътиқод уларни Аллоҳга қарши журъат қилишга ва Унинг динини камситишга ҳамда ўзларини у билан алдаб юрган ботил динларида давом этишга олиб келди.

فَكَيْفَ إِذَا جَمَعْنَاهُمْ لِيَوْمٍ لَا رَيْبَ فِيهِ وَوَفَّيْتُ كُلَّ نَفْسٍ مَّا كَسَبَتْ وَهُمْ لَا يُظْلَمُونَ (25)

25. Аллоҳ таоло уларни содир бўлишида ҳеч қандай шак-шубҳа бўлмаган кунда — Қиёмат кунда — ҳисоб-китоб учун жамлаган ва ҳеч кимга заррача зулм қилинмаган ҳолда ҳар бир киши ўзи қилган ишларнинг жазосини тўла олган пайтда қай аҳволга тушаркинлар?!

قُلْ اللَّهُمَّ مَالِكِ الْمُلْكِ تُؤْتِي الْمُلْكَ مَنْ تَشَاءُ وَتَنْزِعُ الْمُلْكَ مِمَّنْ تَشَاءُ وَتُعْزِّزُ مَنْ تَشَاءُ وَتُذِلُّ مَنْ تَشَاءُ بِيَدِكَ الْخَيْرُ إِنَّكَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ (26)

26. Эй Пайгамбар, Роббингизга дуо қилиб айтинг: «Эй барча мулклар эгаси бўлган Зот, молу мулкни ва ерда хукмронликни халқлар ичидан Ўзинг истаган кишига берасан ва истаган кишингдан молу мулкни тортиб оласан, дунёю охират азизлигини Ўзинг истаган кишига ато этасан ва истаган кишингни хорликка гирифтор этасан, барча яхшилик Сенинг қўлингда, Сен Ўзинггина ҳар ишга Қодирсан...

(Оятда Аллоҳ таолонинг Ўз олийлиги ва улуғлигига муносиб равишдаги қўл сифатига эгаллиги исботи бордир).

نُؤَلِجُ اللَّيْلَ فِي النَّهَارِ وَنُؤَلِجُ النَّهَارَ فِي اللَّيْلِ وَنُؤَخِرُ الْحَيَّ مِنَ الْمَيِّتِ وَنُؤَخِرُ الْمَيِّتَ مِنَ الْحَيِّ وَنُرْزُقُ مَنْ نَشَاءُ بِغَيْرِ حِسَابٍ (27)

27. Ҳар ишга кодирлигингга далил шуки, кечани кундузга киритасан, кундузни кечага киритасан — шунда буниси қисқариб, униси узаяди — ва жон асари бўлмаган ўликдан тирикни чиқарасан — уруғдан ўсимликни ва кофирдан мўминни чиқарганинг каби — ва тирикдан ўликни чиқарасан — товукдан тухумни чиқарганинг каби — ва халқларингдан Ўзинг истаган кишига беҳисоб ризқ ато этасан».

لَا يَتَّخِذُ الْمُؤْمِنُونَ الْكَافِرِينَ أَوْلِيَاءَ مِنْ دُونِ الْمُؤْمِنِينَ وَمَنْ يَفْعَلْ ذَلِكَ فَلَيْسَ مِنَ اللَّهِ فِي شَيْءٍ إِلَّا أَنْ تَتَّقُوا مِنْهُمْ تُقَاةً وَيُحَذِّرْكُمْ اللَّهُ نَفْسَهُ وَإِلَى اللَّهِ الْمَصِيرُ (28)

28. Аллоҳ таоло мўминларни қўйиб, кофирларни — уларга муҳаббат қўйиш ва ёрдам бериш билан — дўст тутишдан мўминларни қайтаради. Ким кофирларни дўст тутса, у Аллоҳга бегона ва Аллоҳ ҳам ундан безордир. Илло,

сизлар заиф ва кўрқувда бўлсангиз, у ҳолда то шон-шавкатингиз кучайгунига қадар ёмонликларидан сақланиш учун уларга юзаки яхши муомала қилишингизга Аллоҳ рухсат берди. Аллоҳ сизларни Ўзидан огоҳлантиради, бас, сизлар Ундангина кўрқинг ва такво қилинг. Барча халқларнинг ҳисоб ва жазо учун қайтиши Аллоҳ ҳузуригадир.

قُلْ إِنْ تَخْضَعُوا مَا فِي صُدُورِكُمْ أَوْ تُبَدُّوهُ يَعْلَمَهُ اللَّهُ وَيَعْلَمَ مَا فِي السَّمَوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ وَاللَّهُ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ (29)

29. Эй Пайғамбар, мўминларга айтинг: «Кофирларни дўст тутиш ва уларга ёрдам бериш борасида дилингизга тугилган фикрларни хоҳ яширинг, хоҳ ошкор қилинг, ҳеч бир нарса Аллоҳга махфий қолмайди. Шубҳасиз, Унинг илми-билими осмонлару Ердаги барча нарсани қамраб олган ва У ҳар нарсага қодир Зотдир».

يَوْمَ تَجِدُ كُلُّ نَفْسٍ مَّا عَمِلَتْ مِنْ خَيْرٍ مُّحْضَرًا وَمَا عَمِلَتْ مِنْ سُوءٍ تَوَدُّ لَوْ أَنَّ بَيْنَهَا وَبَيْنَهُ أَمَدًا بَعِيدًا وَيُحَذِّرُكُمُ اللَّهُ نَفْسَهُ وَاللَّهُ رَءُوفٌ بِالْعِبَادِ (30)

30. Жазо куни бўлмиш Қиёмат кунида ҳар бир жон ўзи қилиб ўтган барча яхши амаллари тўла ҳолда, мукофот ўлароқ, уни кутиб турганини кўради, қилиб ўтган ёмон амаллари ҳам уни кутиб турганини кўради ва ўзи билан шу амаллари ўртаси жуда олис масофада узок бўлишини орзу қилиб қолади. Сизлар ана шу кунга ҳозирлик кўринг ва Жаббор Зот бўлмиш Аллоҳнинг азобидан кўрқинг! Азоби қаттиқ бўлиши билан бир қаторда У субҳанаҳу ва таоло бандаларига ғоят меҳрибон Зотдир.

قُلْ إِنْ كُنْتُمْ تُحِبُّونَ اللَّهَ فَاتَّبِعُونِي يُحْبِبْكُمُ اللَّهُ وَيَغْفِرْ لَكُمْ ذُنُوبَكُمْ وَاللَّهُ  
عَفُورٌ رَحِيمٌ (31)

31. Айтинг эй Пайғамбар: «Агар Аллоҳни чиндан яхши кўрсангиз, менга эргашинг ва зохиру ботинда менга иймон келтиринг, шунда Аллоҳ сизларни яхши кўради ва гуноҳларингизни кечиради. Шубҳасиз, У мўмин бандаларининг гуноҳларини кечирувчи ва уларга меҳрибон Зотдир».

Бу ояти карима Аллоҳ таолонинг муҳаббатини даъво қилган, лекин Унинг пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга ҳаққи-рост эргашмаган ва у зотнинг буйруқ ва қайтариқларига итоат қилмаган ҳар бир кишига қарши ҳукмдир. Зеро, бундай кимса то Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга ҳақиқий маънода эргашмас экан, ўз даъвосида ёлғончидир.

قُلْ أَطِيعُوا اللَّهَ وَالرَّسُولَ فَإِنْ تَوَلَّوْا فَإِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ الْكَافِرِينَ (32)

32. Эй Пайғамбар, «Аллоҳга Унинг Китобига эргашинг билан итоат қилинглар, Пайғамбарга эса тириклигида ҳам, вафотидан кейин ҳам суннатларига эргашинг билан итоат қилинглар!», деб айтинг. Агар сиздан юз ўгиришса ва ўз куфру залотларида қайсарлик билан давом этишса, улар Аллоҳнинг муҳаббатига лойиқ бўлмайдилар. Зеро, Аллоҳ кофирларни яхши кўрмайди.

إِنَّ اللَّهَ اصْطَفَى آدَمَ وَنُوحًا وَآلَ إِبْرَاهِيمَ وَآلَ عِمْرَانَ عَلَى الْعَالَمِينَ (33)

33. Албатта, Аллоҳ таоло Одам ва Нуҳни, Иброҳим ва Имрон оилаларини танлади ва ўз замонларининг энг афзал кишилари қилди.

ذَرِيَّةَ بَعْضِهَا مِنْ بَعْضٍ وَاللَّهُ سَمِيعٌ عَلِيمٌ (34)

34. У набий ва расуллар Аллоҳга ихлосли бўлиш ва Унинг ваҳийсига амал қилиш борасида бир-бирига уланган поклик силсиласидир. Аллоҳ бандаларининг сўзларини эшитувчи, иш-амалларини билувчи ва шунга мувофиқ жазо-мукофотлар берувчи Зотдир.

إِذْ قَالَتْ امْرَأَةٌ عِمْرَانَ رَبِّ إِنِّي نَذَرْتُ لَكَ مَا فِي بَطْنِي مُحَرَّرًا فَتَقَبَّلْ مِنِّي إِنَّكَ أَنْتَ السَّمِيعُ الْعَلِيمُ (35)

35. Эй Пайғамбар, сиз Марям ва унинг онаси билан, шунингдек, унинг ўғли Ийсо алайҳиссалом билан бўлиб ўтган ишларни эсга олинг ва Ийсони илоҳ деб ёки Аллоҳнинг ўғли деб даъво қилувчиларга шу билан раддия беринг. Ўшанда Имроннинг аёли ҳомиладор бўлгач: «Эй Роббим, қорнимдаги ҳомилани холис Сен учун, Байтул Макдисга хизматкорликка атадим. Назримни қабул қилгайсан. Албатта, Сенгина дуоларимни эшитувчи ва ниятимдан воқиф Зотсан», деди.

فَلَمَّا وَضَعَتْهَا قَالَتْ رَبِّ إِنِّي وَضَعْتُهَا أُنْثَىٰ وَاللَّهُ أَعْلَمُ بِمَا وَضَعْتَ وَلَئِنَّ الذَّكَرَ كَأَلْأُنْثَىٰ وَإِنِّي سَمَّيْتُهَا مَرْيَمَ وَإِنِّي أُعِيدُهَا بِنكِ وَدُرِّيَّتَها مِنَ الشَّيْطَانِ الرَّجِيمِ (36)

36. Ҳомиладорлиги тамомига етиб, фарзандини дунёга келтиргач: «Роббим, тукқан фарзандим қиз бўлди, энди у Байтул Макдис ходимлигига ярамайди», деди. Аллоҳ унинг нима тукқанини жуда яхши билувчидир ва У бу қизга келажакда ажойиб бир хосият ато этгай. Имрон аёли яна деди: «Мен хизматга атаганим ўғил бола бу ишда қиз бола



билан бир хил эмас, чунки ўғил бола хизматга ярокли ва пишик-пухта бўлади. Мен бу қизни Марям деб номладим. Ва мен унга ва унинг зурриётига Сенинг раҳматингдан қувилган шайтоннинг ёмонлигидан Ўзингдан паноҳ сўрайман».

فَتَقَبَّلَهَا رَبُّهَا بِقَبُولٍ حَسَنٍ وَأَنْبَتَهَا نَبَاتًا حَسَنًا وَكَفَّلَهَا زَكَرِيَّا كُلَّمَا دَخَلَ عَلَيْهَا زَكَرِيَّا الْمِحْرَابَ وَجَدَ عِنْدَهَا رِزْقًا قَالَ يَا مَرْيَمُ أَنَّى لَكِ هَذَا قَالَتْ هُوَ مِنْ عِنْدِ اللَّهِ إِنَّ اللَّهَ يَرْزُقُ مَنْ يَشَاءُ بِغَيْرِ حِسَابٍ (37)

37. Аллоҳ унинг дуосини ижобат қилди, назрини хуш қабул қилди ва қизи Марямни ўз риоясига (хифзи химоясига) олиб, уни чиройли улғайтирди, унга Закарийё алайҳиссаломни кафил қилди. Закарийё уни ўзи ибодат билан машғул бўладиган хонага жойлаштирди. У ҳар қачон шу хонага Марям хузурига кирса, унинг олдида яхши ризқ-рўз ҳозир эканини кўрди. У: «Эй Марям, бу покиза ризқ-рўз сенга қаердан келмоқда?», деб сўради. Марям деди: «Бу Аллоҳ хузуридан келган ризқдир. Албатта, Аллоҳ таоло Ўз фазли билан истаган кишисига беҳисоб ризқ ато этгай».

هُنَالِكَ دَعَا زَكَرِيَّا رَبَّهُ قَالَ رَبِّ هَبْ لِي مِنْ لَدُنْكَ ذُرِّيَّةً طَيِّبَةً إِنَّكَ سَمِيعُ الدُّعَاءِ (38)

38. Закарийё Аллоҳ таоло Марямни Ўз ризқи ва фазлу марҳамати билан муқаррам этганини кўрганидан сўнг Роббига юзланиб, шундай илтижо қилди: «Эй Роббим, менга ҳам Ўз хузуридан солиҳ ва баракотли фарзанд ато этгин. Албатта, Сен дуоларни эшитувчи Зотсан».

فَنَادَتْهُ الْمَلَائِكَةُ وَهُوَ قَائِمٌ يُصَلِّي فِي الْمِحْرَابِ أَنَّ اللَّهَ يُبَشِّرُكَ بِيَحْيَى مُصَدِّقًا  
بِكَلِمَةٍ مِنْ اللَّهِ وَسَيِّدًا وَحَصُورًا وَنَبِيًّا مِنَ الصَّالِحِينَ (39)

39. У намозгохида Роббига дуо-илтижо қилиб турган холида фаришталар унга нидо қилиб: «Албатта, Аллоҳ сенга дилиннга сурур бахш этажак хушхабар бермоқдаки, сенга бир фарзанд ато этилади, унинг исми Яҳё бўлади, у Аллоҳдан юборилган сўзни — Ййсо ибн Марям алайҳис-саломни — тасдиқлайди, Яҳё ўз қавмининг саййиди бўлади, у юксак обрў-эътибор ва олий даража эгаси бўлади, гуноҳлар ва зарарли хоҳиш-истаклардан тийилувчи бўлади, солиҳликда энг юкори ўринга етган солиҳ пайғамбарлардан бири бўлади», дедилар.

قَالَ رَبِّ أُنَى يَكُونُ لِي غُلَامٌ وَقَدْ بَلَغَنِي الْكِبَرُ وَامْرَأَتِي عَاقِرٌ قَالَ كَذَلِكَ اللَّهُ  
يَفْعَلُ مَا يَشَاءُ (40) قَالَ رَبِّ اجْعَلْ لِي آيَةً قَالَ آيَتُكَ أَلَّا تُكَلِّمَ النَّاسَ ثَلَاثَةَ  
أَيَّامٍ إِلَّا رَمْرًا وَادْكُرْ رَبَّكَ كَثِيرًا وَسَبِّحْ بِالْعَشِيِّ وَالْإِبْكَارِ (41)

40, 41. Закарийё хурсанд бўлиб, ажабланган ҳолда деди: «Роббим, ўзим қариб қолган бўлсам, аёлим туғмайдиган бепушт бўлса, қандай мендан фарзанд бўлади?!». Деди: «Шундай, Аллоҳ Ўзи истаганича ғайриоддий ва ғаройиб ишларни қилгай». Закарийё деди: «Роббим, мен учун ўзимдан фарзанд (ҳомила) вужудга келганини билиб оладиган бир белги-аломат қилгин, токи қалбимда шодлик ва сурур ҳосил бўлсин». Деди: «Сен учун белги-аломат шуки, ўзинг соппа-соғ бўла туриб, уч кун одамларга сўзлай олмайсан, фақат имо-ишора билан сўзлаша оласан. Шу муддат ичида сен Роббингни кўп зикр қил ва окшому саҳарлар У учун намозу тасбеҳ ила машғул бўл».

وَإِذْ قَالَتِ الْمَلَائِكَةُ يَا مَرْيَمُ إِنَّ اللَّهَ اصْطَفَاكِ وَطَهَّرَكِ وَاصْطَفَاكِ عَلَى نِسَاءِ  
الْعَالَمِينَ (42) يَا مَرْيَمُ اقْنُتِي لِرَبِّكِ وَاسْجُدِي وَارْكَعِي مَعَ الرَّاكِعِينَ (43)

42. Эсланг эй Пайгамбар, ўшанда фаришталар Марямга дедилар: «Эй Марям, албатта Аллоҳ таоло сени Ўз тоати учун танлади, сени тубан хулқлардан пок сақлади ва замонандаги бутун олам аёлларидан афзал қилди.

43. Эй Марям, Роббинга доим тоат-ибодатда бўл, хушуь-хузуьда қоим бўл, сенга ато этган неъматларига шукрона ўлароқ рукуь (ибодат) қилувчилар билан бирга сажда ва рукуь қил!».

ذَلِكَ مِنْ أَنْبَاءِ الْغَيْبِ نُوحِيهِ إِلَيْكَ وَمَا كُنْتَ لَدَيْهِمْ إِذْ يُلْقُونَ أَقْلَامَهُمْ أَيُّهُمْ  
يَكْفُلُ مَرْيَمَ وَمَا كُنْتَ لَدَيْهِمْ إِذْ يَخْتَصِمُونَ (44)

44. Эй Пайгамбар, сизга ҳикоя қилганимиз бу ҳодиса Аллоҳ сизга ваҳий қилган ғайб хабарлари жумласидандир. Зеро, Марямни ўз кафолатига олишга ким ҳақлироқ деб талашиб-тортишишган ва ўрталарида келишмовчилик содир бўлиб, қаламларини қуръа учун ташлашган ва (қуръада) Закарийё алайҳиссалом Марямнинг кафолатига ҳақли бўлиб чиққан пайт сиз улар орасида бўлмагансиз.

إِذْ قَالَتِ الْمَلَائِكَةُ يَا مَرْيَمُ إِنَّ اللَّهَ يُبَشِّرُكِ بِكَلِمَةٍ مِنْهُ اسْمُهُ الْمَسِيحُ عِيسَى  
ابْنُ مَرْيَمَ وَجِهًا فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ وَمِنَ الْمُقَرَّبِينَ (45) وَيُكَلِّمُ النَّاسَ فِي  
الْمَهْدِ وَكَهْلًا وَمِنَ الصَّالِحِينَ (46)

45, 46. Эй Пайгамбар, фаришталар Марямга куйидаги сўзларни айтганларида сиз у ерда бўлмагансиз: «Эй Марям, Аллоҳ сенга бир фарзанд хушхабарини бермоқдаки, унинг

вужудга келиши Аллоҳ тарафидан биргина сўз билан бўлгай, яъни У унга: «Бўл!» дегай ва у бўлгай. Исми Масих Ийсо ибн Марям бўлгай, дунёю охиратда улуг мартаба эгаси бўлгай, Қиёмат куни Аллоҳга энг яқин бандалардан бўлгай. Туғилганидан сўнг бешикдалиқ холида одамларга гапиргай, шунингдек, улғайган пайтида уларга Аллоҳ унга вахий қилган нарсаларни сўзлагай — бу эса нубувват, даъват ва иршод сўзларини сўзлашидир — ва у гап-сўзию иш-амалларида фазлу салоҳ аҳлидан саналгай».

قَالَتْ رَبِّ أَتَى بِأَنَّى يَكُونُ لِي وَلَدٌ وَلَمْ يَمَسِّنِي بَشَرٌ قَالَ كَذَلِكَ اللَّهُ يَخْلُقُ مَا يَشَاءُ إِذَا قَضَى أَمْرًا فَإِنَّمَا يَقُولُ لَهُ كُنْ فَيَكُونُ (47)

47. Марям бу ҳолдан таажжубга тушиб деди: «Қандай менда фарзанд бўлсин, ахир мен эрли хотин ҳам, бировлар қўли теккан фоҳиша аёл ҳам бўлмасам?!». Фаришта деди: «Сен учун содир бўлажак бу ҳодиса истаган нарсасини йўқдан бор қилувчи Қодир Аллоҳ учун ҳеч қийин эмасдир, У бир нарсани пайдо қилишни истаса, унга: «Бўл!», деб айтади, бас, у бўлади».

وَيُعَلِّمُهُ الْكِتَابَ وَالْحِكْمَةَ وَالتَّوْرَةَ وَالْإِنْجِيلَ (48)

48. У унга китоб ва ҳикматни — сўзу ишда тўғрилиқни — ўргатади, Мусога вахий қилинган Тавротни ва ўзига нозил қилинган Инжилни таълим беради.

وَرَسُولًا إِلَى بَنِي إِسْرَائِيلَ أَنِّي قَدْ جِئْتُكُمْ بِآيَةٍ مِنْ رَبِّكُمْ أَنِّي أَخْلُقُ لَكُمْ مِنَ الطَّيْنِ كَهَيْئَةِ الطَّيْرِ فَأَنْفُخُ فِيهِ فَيَكُونُ طَيْرًا بِإِذْنِ اللَّهِ وَأُبْرِئُ الْأَكْمَةَ

وَالْأَبْرَصَ وَأُحْيِ الْمَوْتَى يَأْذِنُ اللَّهُ وَأُتْبِتُكُمْ بِمَا تَأْكُلُونَ وَمَا تَدَّخِرُونَ فِي  
بُيُوتِكُمْ إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَةً لَكُمْ إِنْ كُنْتُمْ مُؤْمِنِينَ (49)

49. Уни Бани Исроилга элчи қилади ва у уларга айтади: Мен сизларга Парвардигорингиздан ўзимнинг Аллоҳ томонидан юборилган элчи эканимга далолат қиладиган бир белги-аломатни келтирдим. У белги шуки, мен сизларга лойдан қуш шаклини ясайманда, унга пуфлайман, шунда у Аллоҳнинг изни билан ҳақиқий қушга айланади, Аллоҳнинг изни билан туғма кўрни, баданига оқ тушган кишини тузатаман, ўликни тирилтираман, сизларга ейдиганингиз ва уйларингизда сақлайдиганингиз емишлар нималигини айтиб бераман. Агар сизлар Аллоҳнинг оят-аломатлари ва далил-ҳужжатларини тасдиқ этувчи ва Унинг тавҳидига иқроқ бўлсангиз, шубҳасиз, инсон зотининг қўлидан келмайдиган бундай улкан ишларда менинг Аллоҳнинг элчиси ва пайғамбари эканимга далил бордир.

وَمُصَدِّقًا لِمَا بَيْنَ يَدَيْ مِنَ التَّوْرَةِ وَلَأَجَلٍ لَكُمْ بَعْضَ الَّذِي حُرِّمَ عَلَيْكُمْ  
وَجِئْتُكُمْ بِآيَةٍ مِنْ رَبِّكُمْ فَاتَّقُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا (50)

50. Ва мен сизларга Тавротдаги нарсаларни тасдиқловчи бўлган ҳолда ҳамда илгари Аллоҳ сизларга ҳаром қилган айрим нарсаларни Аллоҳнинг ваҳийси билан, Унинг Ўзи томонидан энгиллик ва раҳмат ўлароқ ҳалол қилиб бериш учун келдим. Сизларга айтаётганим сўзларнинг ростлигига Роббингиз тарафидан далил-ҳужжат келтирдим. Энди сизлар Аллоҳдан қўрқинглар ва Унинг амрига хилоф қилманглар ва Аллоҳ томонидан сизларга етказаётганим нарсаларда менга итоат қилинглар!

إِنَّ اللَّهَ رَبِّي وَرَبُّكُمْ فَاعْبُدُوهُ هَذَا صِرَاطٌ مُسْتَقِيمٌ (51)

51. Албатта, мен сизларни Унга даъват қилаётган Зот бўлмиш Аллоҳ, шубҳасиз, менинг ҳам, сизларнинг ҳам ягона Роббимиздир. Бас, фақат Унга ибодат қилинглар, Унга бандалик қилиш ва бўйинсунишда барчамиз баробармиз, мана шугина энг тўғри йўлдир.

فَلَمَّا أَحَسَّ عَيْسَىٰ مِنْهُمُ الْكُفْرَ قَالَ مَنْ أَنْصَارِي إِلَى اللَّهِ قَالَ الْحَوَارِيُّونَ  
نَحْنُ أَنْصَارُ اللَّهِ آمَنَّا بِاللَّهِ وَأَشْهَدُ بِأَنَّ مُحَمَّدًا رَسُولُ اللَّهِ (52)

52. Ийсо уларнинг куфрда маҳкам туришларини туйгач, холис саҳобалари ичра: «Аллоҳнинг динига ёрдам беришда ким мен билан бирга бўлади?», деб нидо қилди. Шунда Ийсонинг соф — танланган дўстлари: «Мана биз Аллоҳнинг динига ёрдам берувчилар ва Унга даъват этувчилармиз, биз Аллоҳга иймон келтирдик ва сизга эргашдик. Эй Ийсо, бизнинг тавҳид ва тоат ила Аллоҳга бўйсунганимизга сиз гувоҳ бўлинг», дедилар.

رَبَّنَا آمَنَّا بِمَا أَنْزَلْتَ وَاتَّبَعْنَا الرَّسُولَ فَاكْتُبْنَا مَعَ الشَّاهِدِينَ (53)

53. Эй Роббимиз, биз Сен нозил қилган Инжилга иймон келтирдик ва пайғамбаринг Ийсо алайҳиссаломга эргашдик. Сен бизни Ўзингнинг ягоналигинга ва пайғамбарларингнинг рисолатига гувоҳлик берувчилар сафида қилгайсан, улар барча пайғамбарлар ўз умматларига етказган эканларига гувоҳлик берувчи Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам умматларидир.

وَمَكَرُوا وَمَكَرَ اللَّهُ وَاللَّهُ خَيْرٌ الْمَاكِرِينَ (54)

54. Бани Исроил ичидан кофир бўлганлар Ийсо алайҳиссаломга макр қилдилар, яъни уни ғафлатда қолдириб (хиёнаткорона) ўлдириб келишга бировни тайин қилишди. Шунда Аллоҳ таоло уларни Ийсога йўллаб қўйган кишини

Ийсо шаклига айлантириб қўйди ва улар ўша одамни ушлаб, Ийсо деган гумонда уни ўлдириб, салибга (хочга) михладилар. Аллоҳ макр қилувчиларнинг зўридир. Бу оятда “макр” сифатини Аллоҳ таолога Унинг жалоли ва камолига лойиқ бўлган кўринишда исботлаш бордир. Чунки, У маккорларнинг макрига қарши ҳақ билан макр қилди.

إِذْ قَالَ اللَّهُ يَا عِيسَى ابْنِ مَرْيَمَ إِنِّي فَتَوَفِّيكَ وَرَافِعَكَ إِلَيَّ وَمُطَهِّرَكَ مِنَ الَّذِينَ كَفَرُوا  
وَجَاعِلُ الَّذِينَ اتَّبَعُوكَ فَوْقَ الَّذِينَ كَفَرُوا إِلَى يَوْمِ الْقِيَامَةِ ثُمَّ إِلَيَّ مَرْجِعُكُمْ  
فَأَحْكُمُ بَيْنَكُمْ فِيمَا كُنتُمْ فِيهِ تَخْتَلِفُونَ (55)

55. Аллоҳ уларга макр қилди, яъни У Ийсога дедими, Мен сени ҳеч қандай ёмонлик етмаган ҳолингда ердан қабз этгайман ва жону танинг билан Ўз хузуримга кўтаргайман, сенга эргашган, яъни сенинг динингда бўлган ва сен Аллоҳ хузуридан келтирган дин ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳақида берган башоратни тасдиқ этган, у зотга пайғамбарлик берилган пайтда иймон келтирган ва шариатини лозим тутган кишиларни то қиёмат сенинг нубувватингни инкор қилган кимсалардан олий-юқори қилгайман. Кейин ҳисоб куни барчангиз Менинг хузуримга қайтгайсиз ва Ийсо ҳақида қилган ихтилофларингиз борасида Мен Ўзим сизларнинг орангизда ажрим қилгайман.

فَأَمَّا الَّذِينَ كَفَرُوا فَعَذَّبُهُمْ عَذَابًا شَدِيدًا فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ وَمَا لَهُمْ مِنْ  
نَاصِرِينَ (56)

56. Энди Масих (Ийсо)ни инкор қилган яҳудийлар ёки унинг шаънида ғулув кетган насронийларга келсак, Мен уларни бу дунёда қатл қилиш, мол-мулкларидан Мосуво этиш ва ҳукмронликларини кетказиш билан ва охиратда

дўзах азоби билан қаттиқ азоблайман. Уларга ёрдам берувчи ва Аллоҳнинг азобини улардан даф қилувчи бирон ёрдамчи бўлмас.

وَأَمَّا الَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ فَيُوَفِّيهِمْ أُجُورَهُمْ وَاللَّهُ لَا يُحِبُّ  
الظَّالِمِينَ (57)

57. Аммо, Аллоҳга ва пайғамбарларига иймон келтирган ва солиҳ амаллар қилган кишиларга Аллоҳ таоло ажру савобларини тўла-тўқис қилиб бергай, Аллоҳ ширк ва куфр билан (жонларига) зулм қилувчиларни ёқтирмас.

ذَلِكَ نَتْلُوهُ عَلَيْكَ مِنَ الْآيَاتِ وَالذِّكْرِ الْحَكِيمِ (58)

58. Биз сизга Ийсо ҳақида ҳикоя қилаётган ушбу қисса сизнинг чин пайғамбар эканингизга, шунингдек, ҳақ билан ботил ўртасини ажратиб берувчи ва унда ҳеч қандай шакшубҳа йўқ бўлган Қуръони Ҳакимнинг ростлигига очиқ-ойдин далиллардандир.

إِنَّ مَثَلَ عِيسَىٰ عِنْدَ اللَّهِ كَمَثَلِ آدَمَ خَلَقَهُ مِنْ تُرَابٍ ثُمَّ قَالَ لَهُ كُنْ فَيَكُونُ (59)

59. Албатта, Аллоҳ Ийсони отасиз яратишининг мисоли худди Одамни отасиз ва онасиз яратганига ўхшашдирки, уни тупроқдан яратиб, кейин: «Бўл!» деб амр этди, шунда у жонли одам бўлди. Отасиз вужудга келгани учун Ийсони илоҳ деб даъво қилиш ботил даъводир. Зеро, Одам алайҳиссалом отасиз ва онасиз вужудга келган, унинг Аллоҳнинг бандаларидан бир банда эканига барча иттифок қилган.

الْحَقُّ مِنْ رَبِّكَ فَلَا تَكُنْ مِنَ الْمُمْتَرِينَ (60)



60. Ийсо тўғрисида ҳеч қандай шак-шубҳа бўлмаган ҳақиқат — эй Пайғамбар — сизга Роббингиз тарафидан келган мана шу сўзлардир. Шундай экан, сиз ўз ишонч-эътиқодингизда ва ўзингиз тутган йўлда — ҳар хил тўқима гапларни тарк қилишда — давомли бўлинг, шак-шубҳа килувчилардан бўлманг!

Бунда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламни саботга чорлаш ва кўнгилларини хотиржам қилиш бордир.

فَمَنْ حَاجَّكَ فِيهِ مِنْ بَعْدِ مَا جَاءَكَ مِنَ الْعِلْمِ فَقُلْ تَعَالَوْا نَدْعُ أَبْنَاءَنَا  
وَأَبْنَاءَكُمْ وَنِسَاءَنَا وَنِسَاءَكُمْ وَأَنْفُسَنَا وَأَنْفُسَكُمْ ثُمَّ نَبْتَهِلْ فَنَجْعَلْ لَعْنَةَ  
اللَّهِ عَلَى الْكَاذِبِينَ (61)

61. Эй Пайғамбар, сизга Ийсо тўғрисида аниқ илм-маълумот келганидан сўнг кимда-ким Ийсо Масих ҳақида сиз билан талашиб-тортишса, сиз уларга айтингки: «Келинглар, болаларимиз ва болаларингизни, аёлларимиз ва аёлларингизни, ўзимизни ва ўзингизни ҳозир қилайлик, сўнгра Аллоҳга дуо қилиб, ёлғон сўзловчи ва ўз ноҳақлигида қайсарлик билан маҳкам турувчи кимсалар устига Ўз азоби ва лаънатини туширишини сўраб, ёлворайлик».

إِنَّ هَذَا لَهُوَ الْقَصُّ الْحَقُّ وَمَا مِنْ إِلَهٍ إِلَّا اللَّهُ وَإِنَّ اللَّهَ لَهُوَ الْعَزِيزُ  
الْحَكِيمُ (62)

62. Албатта, Ийсо тўғрисида сизга келган мана шу хабар — унда шак-шубҳа бўлмаган ҳақ хабардир. Аллоҳдан ўзга ибодатга сазовор ҳақ илоҳ йўқдир. Аллоҳ мулкида ғолиб, тадбир ва ишларида ҳикмат соҳиби бўлган Зотдир.

فَإِنْ تَوَلَّوْا فَإِنَّ اللَّهَ عَلِيمٌ بِالْمُفْسِدِينَ (63)

63. Агар улар сизни тасдиқ этиш ва сизга эргашишдан юз ўгиришса, билингки, улар бузгунчилардир. Аллоҳ уларни яхши билувчидир ва албатта уларни қилмишларига яраша жазолагай.

قُلْ يَا أَهْلَ الْكِتَابِ تَعَالَوْا إِلَى كَلِمَةٍ سَوَاءٍ بَيْنَنَا وَبَيْنَكُمْ أَلَّا نَعْبُدَ إِلَّا اللَّهَ وَلَا  
نُشْرِكَ بِهِ شَيْئاً وَلَا يَتَّخِذَ بَعْضُنَا بَعْضاً أَرْبَاباً مِنْ دُونِ اللَّهِ فَإِنْ تَوَلَّوْا فَقُولُوا  
اشْهَدُوا بِأَنَّا مُسْلِمُونَ (64)

64. Эй Пайғамбар, аҳли китоб бўлмиш яҳудий ва насронийларга айтинг: «Адолат ва ҳақ бўлган бир сўзга келинглар, барчамиз уни лозим тутайлик. У сўз шуки, ягона Аллоҳнинг Ўзигагина сиғинайлик, Унга на бут-санам ва на тоғут ва на бошқа бирон нарсани шерик қилмайлик, Аллоҳни қўйиб, бир-биримизни «худо» қилиб олмайлик!». Эй мўминлар, агар улар ушбу покиза даъватдан юз ўгиришса, сизлар уларга айтингки: «Сизлар бизнинг мусулмон эканимизга — Роббимизга ибодат ва ихлос ила бўйсинувчи эканимизга гувоҳ бўлинглар».

Барчага баробар бўлган ҳақ сўзга даъват яҳудий ва насронийларга қанчалик тааллуқли бўлса, улардан бошқа миллатларга ҳам шунчалик тааллуқлидир.

يَا أَهْلَ الْكِتَابِ لِمَ تُحَاجُّونَ فِي إِبْرَاهِيمَ وَمَا أُنزِلَتِ التَّوْرَةُ وَالْإِنْجِيلُ إِلَّا مِنْ  
بَعْدِهِ أَفَلَا تَعْقِلُونَ (65)

65. Эй самовий китоблар эгаси бўлган яҳудий ва насронийлар, сизлардан ҳар бирингиз қандай қилиб Иброҳим – алайҳиссалом – тўғрисида, у бизнинг миллатимиз ва динимизда бўлган, деб тортишмоқдасиз, ваҳоланки, Таврот ҳам, Инжил ҳам ундан кейин нозил бўлган-ку?! Ахир

ақл юритсангиз ва «Иброҳим яхудий бўлган» ёки «Иброҳим насроний бўлган» деб айтаётган сўзларингиз хато эканини англасангиз бўлмайдими?! Яхши биласизки, яхудийлик ҳам, насронийлик ҳам унинг вафотидан анча кейин вужудга келган!

هَآأَنْتُمْ هَؤْلَآءِ حَآجَجْتُمْ فِيمَا لَكُمْ بِهِ عِلْمٌ فَلِمَ تُحَآجُّونَ فِيمَا لَيْسَ لَكُمْ بِهِ  
عِلْمٌ وَاللّٰهُ يَعْزَمُ وَأَنْتُمْ لَا تَعْلَمُونَ (66)

66. Эй сизлар, Аллоҳнинг элчиси Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва саллам билан ўз динларингиз борасида ўзингиз билган ва китобларингизда тўғри деб эътиқод қилган ишларингиз ҳақида таллашиб-тортишдингиз. Энди нега у ҳақда билим ва маълумотингиз бўлмаган нарсада — Иброҳим алайҳиссалом ҳақида тортишасиз?! Аллоҳ барча махфий ишларни-да билади, сизлар билмайсиз!

مَا كَانَ إِبْرَاهِيمُ يَهُودِيًّا وَلَا نَصْرَانِيًّا وَلَكِنْ كَانَ حَنِيفًا مُّسْلِمًا وَمَا كَانَ مِنَ  
الْمُشْرِكِينَ (67)

67. Иброҳим яхудий ҳам, насроний ҳам бўлмаган. Яхудийлик ҳам, насронийлик ҳам Иброҳимдан кейин вужудга келган. Балки, у Аллоҳга итоат этувчи, Унинг амру фармонларига эргашувчи, Парвардигорига бўйсинувчи бўлган, мушриклардан бўлмаган.

إِنَّ أَوْلَى النَّاسِ بِإِبْرَاهِيمَ لَلَّذِينَ اتَّبَعُوهُ وَهَذَا النَّبِيُّ وَالَّذِينَ آمَنُوا وَاللَّهُ وَلِيُّ  
الْمُؤْمِنِينَ (68)

68. Одамларнинг Иброҳимга энг ҳақли ва энг яқин бўлганлари унга иймон келтирган, унинг пайғамбарлигини тасдиқ этиб, динига эргашган кишилар ҳамда бу пайғамбар

— Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва саллам — ва унга иймон келтирган кишилардир. Аллоҳ Ўзига иймон келтирган ва шариатига эргашган зотларнинг дўстидир.

وَدَّتْ طَائِفَةٌ مِّنْ أَهْلِ الْكِتَابِ لَوْ يُضِلُّوكُمْ وَمَا يُضِلُّونَ إِلَّا أَنفُسَهُمْ وَمَا يَشْعُرُونَ (69)

69. Яхудий ва насронийлардан бир тоифаси сизларни — эй мусулмонлар — Исломдан оздиришни истайди. Бироқ, улар ўзларини ва уларга эргашган кимсаларнигина адаштиришади. Лекин, буни ўзлари билишмайди.

يَا أَهْلَ الْكِتَابِ لِمَ تَكْفُرُونَ بِآيَاتِ اللَّهِ وَأَنْتُمْ تَشْهَدُونَ (70)

70. Эй Таврот ва Инжил эгалари, нима учун сизлар Аллоҳ Ўз пайғамбарларига китобларида нозил қилган оятларни инкор этасиз, уларда Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва саллам кутилаётган пайғамбар экани ва у олиб келган дин ҳақ экани ҳақида битилган эди?! Сизлар бунга гувоҳ бўла туриб, инкор қилмоқдасиз!

يَا أَهْلَ الْكِتَابِ لِمَ تَلْبِسُونَ الْحَقَّ بِالْبَاطِلِ وَتَكْتُمُونَ الْحَقَّ وَأَنْتُمْ تَعْلَمُونَ (71)

71. Эй Таврот ва Инжил эгалари, нима учун ўз китобларингизда бўлган ҳақни ўзингиз тўқиб олган ва ўз қўлларингиз билан битган ботилга аралаштирасиз ва ҳар икки китобда бор бўлган Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва салламнинг белгилари ва у олиб келган диннинг ҳақ экани тўғрисидаги сўзларни яширасиз?! Ҳолбуки, буни ўзингиз яхши биласиз!

وَقَالَتْ طَائِفَةٌ مِّنْ أَهْلِ الْكِتَابِ آمِنُوا بِالَّذِي أُنزِلَ عَلَى الَّذِينَ آمَنُوا وَجَهُ النَّهَارِ  
وَاصْفُرُوا آخِرَهُ لَعَلَّهُمْ يَرْجِعُونَ (72)

72. Ахли китоб яхудийлардан бир тоифаси: «Мўминларга нозил қилинган нарсани куннинг аввалида тасдиқ этиб, куннинг охирига бориб инкор қилинглар, шояд улар динлари ҳақида шак-шубҳа қилиб, ундан қайтиб кетишса», дейишди.

وَلَا تُؤْمِنُوا إِلَّا لِمَن تَبِعَ دِينَكُمْ قُلْ إِنَّ الْهُدَىٰ هُدَىٰ اللَّهِ أَن يُؤْتَىٰ أَحَدٌ مِّثْلَ  
مَا أُوتِيْتُمْ أَوْ يُحَاجُّوْكُمْ عِنْدَ رَبِّكُمْ قُلْ إِنَّ الْفَضْلَ بِيَدِ اللَّهِ يُؤْتِيهِ مَن يَشَاءُ  
وَاللَّهُ وَاسِعٌ عَلِيمٌ (73)

73. (Улар яна:) «Сизлар фақат ўз динингизга эргашган ва яхудий бўлган кимсаларнигина ҳақ-рост тасдиқ этинглар», дейишди. Эй Пайғамбар, сиз уларга: «Албатта, ҳидоят ва тавфиқ Аллоҳнинг ҳидояти ва саҳиҳ динга муваффақ этишидир», деб айтинг. Улар (бир-бирларига): «Ўзингизда бўлган билим (маълумотлар)ни мусулмонларга ошкор қилиб қўйманг, акс ҳолда улар сизлардан ўрганиб олиб, уни билишда сизларга тенглашиб олишади ва оқибатда улар сизлардан афзалга айланишади ёки Роббингиз ҳузурда ўша маълумотларни сизларга қарши ҳужжат қилишиб, сизлардан ғолиб бўлишади», дейишди. Эй Пайғамбар, сиз уларга айтинг: «Фазлу марҳамат ва бошқа барча ишлар Аллоҳнинг қўлида ва Унинг тасарруфи остида, уларни Ўзига ва пайғамбарига иймон келтирган бандалари орасидан истаган кишисига ато этади. Аллоҳ кенг фазлу карам эгаси ва барча нарсани билувчи Зотдир, илми ва фазлу марҳамати Унинг неъмат ва фазлига лойиқ бўлган барча махлуқотларини камраб олгай».

يَخْتَصُّ بِرَحْمَتِهِ مَنْ يَشَاءُ وَاللَّهُ ذُو الْفَضْلِ الْعَظِيمِ (74)

74. Албатта, Аллоҳ халқлари орасидан Ўзи истаган кишисини ўз раҳматига — пайғамбарлик ва энг мукаммал шариатга йўллаш шарафига — хослагай, Аллоҳ буюк фазлу карам соҳибидир.

وَمِنَ أَهْلِ الْكِتَابِ مَنْ إِنْ تَأْمَنَهُ بِقِنطَارٍ يُودِّهِ إِلَيْكَ وَمِنْهُمْ مَنْ إِنْ تَأْمَنَهُ بَدِينَارٍ لَا يُؤَدِّهِ إِلَيْكَ إِلَّا مَا دُمْتَ عَلَيْهِ قَائِمًا ذَلِكَ بِأَنَّهُمْ قَالُوا لَيْسَ عَلَيْنَا فِي الْأُمِّيِّينَ سَبِيلٌ وَيَقُولُونَ عَلَى اللَّهِ الْكَذِبَ وَهُمْ يَعْلَمُونَ (75)

75. Яҳуд аҳли китоблари ичида жуда кўп пул-молни омонат қўйсангиз ҳам, уни ҳеч бир хиёнатсиз адо этадиган кишилар ҳам бор, яна улар ичида биргина динорни омонат қўйсангиз, шуни ҳам то ортидан талаб қилиб, кўп ҳаракат қилмагунингизча адо этмайдиган кимсалар ҳам бор. Бунинг сабаби эса, уларни арабларнинг молларини ноҳақ ўзларига ҳалол санайдиган ва «уларнинг молларини есак, бизга ҳеч қандай гуноҳ бўлмайди, чунки Аллоҳ уни бизга ҳалол қилган», деб айтадиган қилиб қўйган бузук ақидаларидир. Улар айтаётган бу гап Аллоҳга нисбатан бўҳтон бўлиб, улар ўзларининг ёлғончи эканларини жуда яхши биладилар.

بَلَىٰ مَنْ أَوْفَىٰ بِعَهْدِهِ وَاتَّقَىٰ فَإِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الْمُتَّقِينَ (76)

76. Йўқ, иш у ёлғончилар даъво қилаётгандек эмас. Балки, омонатни адо этиш, Аллоҳга ва Унинг пайғамбарларига иймон келтириш каби Аллоҳга берган аҳдига вафо қилган, Унинг йўли ва шариатини маҳкам тутган, Аллоҳ азза ва жалладан қўрқиб, Унинг амру фармонларини бажарган ва қайтарган нарсаларидан тийилган киши

хақиқий такводдордир. Аллоҳ ширк ва гуноҳлардан сақланувчи такводдор зотларни яхши кўради.

إِنَّ الَّذِينَ يَشْتَرُونَ بِعَهْدِ اللَّهِ وَأَيْمَانِهِمْ ثَمَنًا قَلِيلًا أُولَٰئِكَ لَا خَلَاقَ لَهُمْ فِي  
الْآخِرَةِ وَلَا يُكَلِّمُهُمُ اللَّهُ وَلَا يَنْظُرُ إِلَيْهِمْ يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَلَا يُزَكِّيهِمْ وَلَهُمْ  
عَذَابٌ أَلِيمٌ (77)

77. Аллоҳга берган аҳдни ва Аллоҳнинг пайғамбарларига туширган китобларидаги васиятини (амрини) арзимас дунё матосига алиштирган кимсалар учун охиратда савобдан ҳеч қандай улуш йўқдир, қиёмат куни Аллоҳ уларга яхши гапирмайди, раҳмат назари билан боқмайди, уларни куфру маъсиятлар кирлигидан покламайди, улар учун аламли азоб бордир.

وَأَنَّ مِنْهُمْ لَفِرِيقًا يُلُؤُونَ أَلْسِنَتَهُمُ بِالْكِتَابِ لِتَحْسَبُوهُ مِنَ الْكِتَابِ وَمَا هُوَ  
مِنَ الْكِتَابِ وَيَقُولُونَ هُوَ مِنْ عِنْدِ اللَّهِ وَمَا هُوَ مِنْ عِنْدِ اللَّهِ وَيَقُولُونَ عَلَى  
اللَّهِ الْكُذِبَ وَهُمْ يَعْلَمُونَ (78)

78. Яхудлар ичида бир тоифаси борки, Аллоҳнинг каломини бузиб, ўзгартириб ўқишади ва бошқаларга буни Аллоҳнинг каломи, яъни Таврот деб уқтирмақчи бўлишади. Ваҳоланки, унинг Аллоҳ каломига ҳеч қандай алоқаси йўқдир. Улар бу сўзларни Аллоҳ пайғамбари Мусога ваҳий қилган, дейишади. Ваҳоланки, у Аллоҳ ҳузуридан эмасдир. Улар арзимас дунёлари йўлида Аллоҳга нисбатан ёлғон сўзлашади ва ўзларининг ёлғончи эканларини яхши билишади.

مَا كَانَ لِبَشَرٍ أَنْ يُؤْتِيَهُ اللَّهُ الْكِتَابَ وَالْحُكْمَ وَالنُّبُوَّةَ ثُمَّ يَقُولَ لِلنَّاسِ كُونُوا عِبَادًا لِي مِنْ دُونِ اللَّهِ وَلَكِنْ كُونُوا رَبَّانِيِّينَ بِمَا كُنْتُمْ تُعَلِّمُونَ الْكِتَابَ وَبِمَا كُنْتُمْ تَدْرُسُونَ (79)

79. Одамлар ичидан бирор кишига Аллоҳ ўзининг китобини тушириб, халқлари ўртасида уни ҳакам қилган ва ўзининг пайғамбарлигига танлаган бўлса, кейин у киши одамларга: «Аллоҳни қўйиб, менга ибодат қилинглар» деб айтиши жоиз эмас, балки: «Аллоҳнинг китобини бошқаларга ўргатиб, ўзингиз ҳам уни ёд олиш, билиш ва англаш билан ўқиб-ўрганиб, донишманд, фақиҳ ва олимлар бўлинглар», деб айтмоғи лойиқдир.

وَلَا يَأْمُرُكُمْ أَنْ تَتَّخِذُوا الْمَلَائِكَةَ وَالنَّبِيِّينَ أَرْبَابًا أَيَأْمُرُكُمْ بِالْكُفْرِ بَعْدَ إِذْ أَنْتُمْ مُسْلِمُونَ (80)

80. Улардан бирортаси сизларни Аллоҳни қўйиб, фаришта ва пайғамбарларни илоҳ қилиб олишга ва ўшаларга сиғинишга буюриши жоиз эмасдир. Эй одамлар, пайғамбар сизларни Аллоҳнинг амрига бўйсунганингиздан кейин, энди Унга кофир бўлишга буюриши ақлга тўғри келадими?!

وَإِذْ أَخَذَ اللَّهُ مِيثَاقَ النَّبِيِّينَ لَمَا آتَيْتُكُمْ مِنْ كِتَابٍ وَحِكْمَةٍ ثُمَّ جَاءَكُمْ رَسُولٌ مُصَدِّقٌ لِمَا مَعَكُمْ لَتُؤْمِنُنَّ بِهِ وَلَتَنْصُرُنَّهُ قَالَ أَأَقْرَضْتُمْ وَأَخَذْتُمْ عَلَىٰ ذَٰلِكُمْ إِصْرِي قَالُوا أَقْرَضْنَا قَالَ فَاشْهَدُوا وَأَنَا مَعَكُمْ مِنَ الشَّاهِدِينَ (81)

81. Эсланг эй Пайғамбар, Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло барча пайғамбарлардан қатъий аҳд-паймон олган эдики: «Агар Мен сизларга китоб ва ҳикмат берсам, кейин сизларга



Менинг хузуримдан ўзингиздаги нарсани тасдиқловчи бир пайғамбар келса, албатта унга иймон келтирасиз ва ёрдам берасиз. Сизлар шунга иқрормисиз, буни эътироф этдингизми ва шу нарса устида Менга қатъий аҳду паймон берасизми?» Улар: «Ҳа, биз бунга иқрор бўлдик», дедилар. «Ундай бўлса, бир-бирингизга гувоҳ бўлингиз, умматларингиз устида ҳам сизлар гувоҳ бўлинг, Мен ҳам сизлар билан бирга ўзингиз ва умматларингиз устида гувоҳларданман», деди.

Ушбу оятдан Аллоҳ таоло ҳар бир пайғамбардан Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга иймон келтиришга аҳду паймон олгани, шунингдек, барча пайғамбарларнинг умматларидан бу борада аҳду паймон олгани маълум бўлмоқда.

فَمَنْ تَوَلَّى بَعْدَ ذَلِكَ فَأُولَئِكَ هُمُ الْفَاسِقُونَ (82)

82. Ким энди Аллоҳ пайғамбарларидан олган ана шу аҳду паймондан кейин Ислому даъватидан юз ўгирса, ана ўшалар Аллоҳнинг динидан ва Роббиларининг тоатидан чиқувчи кимсалардир.

أَفَعَبَّرَ دِينَ اللَّهِ يَبْغُونَ وَلَهُ أَسْلَمَ مَنْ فِي السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ طَوْعًا وَكَرْهًا وَإِلَيْهِ يُرْجَعُونَ (83)

83. Аҳли китобдан бўлган у фосиқ кимсалар Аллоҳнинг динидан — Аллоҳ Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан юборган Исломдан — бошқа динни истайдиларми?! Ҳолбуки, осмонлару ердаги барча жонзотлар — мўминлар каби — ихтиёрий равишда ва — кофирлар каби — бошларига оғир кун келиб, энди бундай қилишлари фойда бермайдиган вақтда беихтиёр Аллоҳга бўйин эгиб, таслим бўлиб турибди-ку! Шунингдек, бошқа барча мавжудот ҳам

Унга бўйсуниб турибди. Қиёмат куни ҳамма Унинг ҳузурига қайтарилади ва У ҳаммага ўз қилмишига яраша жазо-ю мукофот беради.

Бу Аллоҳ таолодан халқларига бўлган огоҳлантириш-ки, ҳеч бир кимса Унинг ҳузурига Ислом миллатидан ўзга йўл устида қайтмасин.

قُلْ آمَنَّا بِاللَّهِ وَمَا أُنزِلَ عَلَيْنَا وَمَا أُنزِلَ عَلَىٰ إِبْرَاهِيمَ وَإِسْمَاعِيلَ وَإِسْحَاقَ وَيَعْقُوبَ وَالْأَسْبَاطِ وَمَا أُوتِيَ مُوسَىٰ وَعِيسَىٰ وَالنَّبِيُّونَ مِنْ رَبِّهِمْ لَا نُفَرِّقُ بَيْنَ أَحَدٍ مِنْهُمْ وَنَحْنُ لَهُ مُسْلِمُونَ (84)

84. Эй Пайғамбар, сиз уларга айтинг: «Биз Аллоҳга иймон келтириб, итоат қилдик, биз учун Ундан ўзга Роб ва Ундан ўзга маъбуд йўқдир. Биз Аллоҳ бизга нозил қилган ваҳийга, шунингдек, Иброҳим Халилуллоҳга, унинг ўғиллари Исмоил ва Исҳоққа, набираси Яъқуб ибн Исҳоққа нозил қилган нарсага, яна У асботга — Яъқуб авлоди бўлмиш Бану Исроилнинг ўн икки қабиласига келган пайғамбарларга — нозил қилган нарсага, Мусо ва Ийсога берилган Таврот ва Инжилга, шунингдек, Аллоҳ Ўз пайғамбарларига нозил қилган барча нарсага иймон келтирдик. Биз у пайғамбарларнинг барчасига иймон келтирамиз ва ораларидан бирортасини ажратмаймиз, биз Аллоҳнинг ёлғиз Ўзига тоат билан бўйин эгувчимиз, Унинг рубубияти ва улуҳиятига ибодат билан икрормиз».

وَمَنْ يَبْتَغِ غَيْرَ الْإِسْلَامِ دِينًا فَلَنْ يُقْبَلَ مِنْهُ وَهُوَ فِي الْآخِرَةِ مِنَ الْخَاسِرِينَ (85)

85. Ким Ислом динидан — Аллоҳга тавҳид билан бўйсунуш ва тоат-ибодат билан бўйин эгиш, Унинг сўнги

пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга иймон келтириш, эргашиш ва зоҳиру ботинда муҳаббат кўйиш билан бўйсуннишдан — ўзга бир дин истаса, унинг бу дини Аллоҳ хузурда асло қабул этилмас ва у охират куни охиратдаги насибаларни қўлдан бой берган зиёнкорлардан бўлмай.

كَيْفَ يَهْدِي اللَّهُ قَوْمًا كَفَرُوا بَعْدَ إِيمَانِهِمْ وَشَهِدُوا أَنَّ الرَّسُولَ حَقٌّ وَجَاءَهُمُ  
الْبَيِّنَاتُ وَاللَّهُ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الظَّالِمِينَ (86)

86. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга иймон келтириб, унинг ҳақ пайғамбар эканига ва у келтирган дин ҳақ эканига гувоҳ бўлишганидан сўнг ва бу борада уларга Аллоҳ тарафидан далил-ҳужжатлар келганидан сўнг энди у пайғамбарни инкор қилган қавмни Аллоҳ қандай иймонга муваффақ қилсин?! Аллоҳ золим қавмни — ҳақдан ботилга бурилиб, иймон устига куфрни ихтиёр қилган кимсаларни тўғри йўлга ҳидоят қилмайди.

أُولَئِكَ جَزَاءُهُمْ أَنْ عَلَيهِمْ لَعْنَةُ اللَّهِ وَالْمَلَائِكَةِ وَالنَّاسِ أَجْمَعِينَ (87)

87. У золимларнинг жазоси — уларга Аллоҳнинг, фаришталарнинг ва барча инсонларнинг лаънати бўлмай, улар Аллоҳнинг раҳматидан қувилган кимсалардир.

خَالِدِينَ فِيهَا لَا يَخَفُونَ عَذَابَ اللَّهِ وَلَا هُمْ يُنظَرُونَ (88)

88. Улар дўзахда абадий қолгайлар, азоб улардан салгина бўлсада кўтарилмас ва улар бир оз бўлсада тин олмаслар, келтирган узру баҳоналари сабабли азоб улардан асло кечиктирилмас.

إِلَّا الَّذِينَ تَابُوا مِنْ بَعْدِ ذَلِكَ وَأَصْلَحُوا فَإِنَّ اللَّهَ غَفُورٌ رَحِيمٌ (89)

89. Энди куфр ва зулмларидан қайтиб, Роббиларига холис тавба қилган ҳамда қилган бузғунчиликларини тавбалари билан тузатган кишилар бундан мустаснодир, албатта Аллоҳ уларнинг тавбаларини қабул қилгай, зотан У бандаларининг гуноҳларини кечирувчи, уларга раҳмли Зотдир.

إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا بَعْدَ إِيمَانِهِمْ ثُمَّ أَزْدَادُوا كُفْرًا لَنْ نُقْبَلَ تَوْبَتَهُمْ وَأُولَئِكَ هُمُ  
الصَّالُونَ (90)

90. Албатта, иймон келтирганларидан сўнг кофир бўлган ва бир умр куфрда яшаган кимсаларнинг ўлим олдиди қилган тавбалари асло қабул қилинмас. Ана ўшлар адашган ва йўлдан озган кимсалардир.

إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا وَمَاتُوا وَهُمْ كُفَّارًا فَلَنْ يُقْبَلَ مِنْ أَحَدِهِمْ مِلْءُ الْأَرْضِ ذَهَبًا  
وَلَوْ أَفْتَدَىٰ بِهِ أُولَئِكَ لَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ وَمَا لَهُمْ مِنْ نَاصِرِينَ (91)

91. Албатта, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг пайғамбарлигини инкор қилган ва Аллоҳу Расулига кофир бўлиб ўлган кимсалардан бирови қиёмат куни ўзини Аллоҳнинг азобидан қутқариб олиш учун Ер юзи тўла олтинни тўлов сифатида берса ҳам, асло қабул қилинмас. Улар учун аламли азоб бордир ва улар учун Аллоҳнинг азобидан қутқариб олувчи бирон ёрдамчи бўлмагай.

## ТЎРТИНЧИ ЖУЗЪ

لَنْ تَنَالُوا الْبِرَّ حَتَّى تُنْفِقُوا مِمَّا تُحِبُّونَ وَمَا تُنْفِقُوا مِنْ شَيْءٍ فَإِنَّ اللَّهَ بِهِ  
عَلِيمٌ (92)

92. Ўзингиз суйган нарсалардан инфоқ-эхсон қилмагунча ҳаргиз жаннатга етолмайсизлар. Қандай бир нарсани инфоқ-эхсон қилиб берсангиз, оз бўлсин, кўп бўлсин, уни албатта Аллоҳ билиб турувчидир, У ҳар бир инфоқ қилувчига амалига яраша мукофот бергай.

كُلُّ الطَّعَامِ كَانَ حِلالًا لِبَنِي إِسْرَائِيلَ إِلَّا مَا حَرَّمَ إِسْرَائِيلُ عَلَى نَفْسِهِ مِنْ قَبْلِ  
أَنْ تُنَزَّلَ التَّوْرَةُ قُلْ فَأْتُوا بِالتَّوْرَةِ فَاتْلُوهَا إِنْ كُنْتُمْ صَادِقِينَ (93)

93. Таврот нозил қилинишидан илгари ҳар қандай покиза емиш Бану Исроилга — Яъқуб алайҳиссалом авлодига — ҳалол бўлиб, фақат Исроил — Яъқуб — ўзига етган бир касаллик сабабли ўзига ҳаром қилган нарсагина бундан мустасно эди. Таврот нозил қилингач, Аллоҳ Бану Исроилга зулм ва тажовузлари сабабли аввал улар учун ҳалол бўлган айрим емишларни ҳаром қилди. Эй Пайғамбар, сиз уларга айтинг: «Агар сизлар, Аллоҳ Бану Исроилга Яъқуб ўзига ҳаром қилган нарсани ҳаром қилиб, Тавротда оят нозил қилган, деган даъволарингизда ҳақ-рост бўлсангиз, Тавротни олиб келиб, ўқинглар, токи шунда Қуръонда келган, Аллоҳ таоло Таврот нозил қилинишидан илгари Бану Исроилга Яъқуб ўзига ҳаром қилган баъзи нарсани ҳаром қилгани ҳақидаги сўзларнинг ҳақлигини биласизлар».

فَمَنْ افْتَرَىٰ عَلَى اللَّهِ الْكَذِبَ مِنْ بَعْدِ ذَلِكَ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الظَّالِمُونَ (94)

94. Тавротни ўқиб, ҳақиқат очиқ-равшан бўлганидан кейин ҳам ким энди Аллоҳга нисбатан бўҳтон тўқиса, ана ўшалар Аллоҳ номидан ботилни айтувчи золимлардир.

قُلْ صَدَقَ اللَّهُ فَاتَّبِعُوا مِلَّةَ إِبْرَاهِيمَ حَنِيفًا وَمَا كَانَ مِنَ الْمُشْرِكِينَ (95)

95. Эй Пайғамбар, сиз уларга айтинг: «Аллоҳ хабар берган нарсалар ва У тузиб берган шариат ҳақ-ростдир. Агар сизлар Аллоҳнинг халили (дўсти) Иброҳим алайҳиссаломни яхши кўриш ва унинг динига нисбатланиш ҳақидаги даъвонгизда рост бўлсангиз, Аллоҳ Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам тилларида шаръий қилган Иброҳим миллатига эргашинг, зеро ҳеч қандай шак-шубҳа бўлмаган ҳақ йўл шудир. Иброҳим алайҳиссалом тавҳид ва ибодатда Аллоҳга бирон кимсани шерик қилувчилардан бўлмаган».

إِنَّ أَوَّلَ بَيْتٍ وُضِعَ لِلنَّاسِ لَلَّذِي بِبَكَّةَ مُبَارَكًا وَهُدًى لِّلْعَالَمِينَ (96)

96. Албатта, Ер юзида Аллоҳга ибодат қилиш учун қурилган биринчи уй Маккадаги Аллоҳнинг Уйи — Каъбадир. Бу Уй баракотлидир, унда ҳасанот (ажру савоблар) бир неча баробар кўпайтириб берилади, унда Аллоҳнинг раҳматлари ёғилади, намозларда уни қибла тутишда ҳамда ҳаж ва умра учун уни қасд қилишда одамлар учун яхшилик ва ҳидоят бордир.

فِيهِ آيَاتٌ بَيِّنَاتٌ مَّقَامُ إِبْرَاهِيمَ وَمَنْ دَخَلَهُ كَانَ آمِنًا وَلِلَّهِ عَلَى النَّاسِ حِجُّ

الْبَيْتِ مَنْ اسْتَطَاعَ إِلَيْهِ سَبِيلًا وَمَنْ كَفَرَ فَإِنَّ اللَّهَ غَنِيٌّ عَنِ الْعَالَمِينَ (97)

97. Бу Уйда уни Иброҳим бино қилганига ва Аллоҳ уни муаззам ва шарафли қилиб қўйганига далил бўлувчи очиқ-

равшан далиллар бор бўлиб, Мақоми Иброҳим шулар жумласидандир. Мақоми Иброҳим (Иброҳим алайҳиссалом кадамжолари) у зот ўғиллари Исмоил билан бирга Байтуллоҳ пойдеворларини кўтариш пайтида оёқларини кўйиб турган тошдир. Ким бу Уйга кирса, унинг жони омонда бўлиб, ҳеч ким унга ёмонлик етказмайди. Ер юзининг қай бир жойида бўлмасин, қодир бўлган ҳар бир инсонга Аллоҳ таоло ҳаж ибодатини адо этиш учун ушбу Уйни қасд қилишни вожиб-фарз қилди. Ким ҳажнинг фарзлигини инкор қилса, кофир бўлибди, Аллоҳ унинг ва умуман бошқаларнинг ҳам ҳажлари-ю бошқа амалларидан беҳожат Зотдир.

قُلْ يَا أَهْلَ الْكِتَابِ لِمَ تَكْفُرُونَ بِآيَاتِ اللَّهِ وَاللَّهُ شَهِيدٌ عَلَىٰ مَا تَعْمَلُونَ (98)

98. Эй Пайғамбар, аҳли китоб бўлмиш яҳуд ва насорога айтинг: «Нега сизлар ўз китобларингизда мавжуд бўлган, Аллоҳнинг дини фақат Ислом эканига далил бўлувчи далил-хужжатларни билиб туриб, инкор қиласиз?! Аллоҳ сизларнинг қилмишларингизга гувоҳдир».

Бунда улар учун таҳдид ва азоб билан огоҳлантириш бордир.

قُلْ يَا أَهْلَ الْكِتَابِ لِمَ تَصُدُّونَ عَن سَبِيلِ اللَّهِ مِنِّ أَمْنٍ تَبْغُونَهَا عِوَجًا وَأَنْتُمْ

شُهَدَاءُ وَمَا اللَّهُ بِغَافِلٍ عَمَّا تَعْمَلُونَ (99)

99. Эй Пайғамбар, яҳуд ва насорога айтинг: «Нега сизлар мен келтирган диннинг ҳақ эканини билганингиз ҳолда, Исломга киришни истаган кишиларни ундан тўсиб, уларни тўғрилиқ ва ҳақдан тойилишларини ва йўлдан озишларини истайсиз?! Аллоҳ қилаётган ишларингиздан ғофил эмас, У сизларни бу қилмишларингизга яраша жазолайди».

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِنَّ تَطِيعُوا فَرِيقًا مِنَ الَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ يَرُدُّوكُمْ بَعْدَ  
إِيمَانِكُمْ كَافِرِينَ (100)

100. Эй Аллоҳу Расулига иймон келтириб, Унинг шариатига амал қилаётган кишилар, агар аҳли китоб бўлмиш яҳуд ва насородан бир тоифасига итоат қилсангиз, улар сизларни иймон келтирганингиздан сўнг ҳақни инкор қилиб, кофирликка қайтиб кетишингиз учун йўлдан адаштиришади ва динингиз тўғрисида шубҳага солишади. Шундай экан, динингиз хусусида уларга ишонманг ва уларнинг фикру маслаҳатларини қабул қилманг!

وَكَيْفَ تَكْفُرُونَ وَأَنْتُمْ تُنْتَلَىٰ عَلَيْكُمْ آيَاتُ اللَّهِ وَفِيكُمْ رَسُولُهُ وَمَنْ يَعْتَصِمْ  
بِاللَّهِ فَقَدْ هُدِيَ إِلَىٰ صِرَاطٍ مُسْتَقِيمٍ (101)

101. Эй мўминлар, сизларга Аллоҳнинг оятлари тиловат қилиниб турган ва орангизда Аллоҳнинг элчиси Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам ушбу оятларни сизларга етказиб турган ҳолда, қандай қилиб Аллоҳга кофир бўласиз?! Ким Аллоҳга боғланса ва Китобу Суннатни маҳкам тутса, очиқ-равшан ва тўғри йўлга муваффақ бўлибди.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اتَّقُوا اللَّهَ حَقَّ تَقَاتِهِ وَلَا تَمُوتُنَّ إِلَّا وَأَنْتُمْ مُسْلِمُونَ (102)

102. Эй Аллоҳу Расулига иймон келтириб, Унинг шариатига амал қилаётган кишилар, Аллоҳдан ҳаққи-рост кўрқинг! Бу эса Унга итоат қилиш ва осий бўлмаслик, шукр бажо келтириш ва куфрони неъмат қилмаслик, Уни зикр қилиш ва эсдан чиқармаслик билан ҳосил бўлади. Ва бир умр Исломда маҳкам бўлинг ва фақат мусулмон бўлган ҳолингизда вафот этинг!



وَأَعْتَصِمُوا بِحَبْلِ اللَّهِ جَمِيعاً وَلَا تَفَرَّقُوا وَاذْكُرُوا نِعْمَةَ اللَّهِ عَلَيْكُمْ إِذْ كُنْتُمْ  
 أَعْدَاءً فَأَلَّفَ بَيْنَ قُلُوبِكُمْ فَأَصْبَحْتُمْ بِنِعْمَتِهِ إِخْوَاناً وَكُنْتُمْ عَلَى شَفَا حُفْرَةٍ  
 مِنَ النَّارِ فَأَنْقَذَكُمْ مِنْهَا كَذَلِكَ يُبَيِّنُ اللَّهُ لَكُمْ آيَاتِهِ لَعَلَّكُمْ  
 تَهْتَدُونَ (103)

103. Барчангиз Роббингизнинг Китобини ва пайгамбарингизнинг йўлини маҳкам тутинг, бўлиниш ва тарқоқликка олиб борадиган ишларга қўл урманг! Аллоҳ сизларга инъом қилган буюк неъматни ёдда тутинг: сизлар — эй мўминлар — Исломдан илгари бир-бирингиз билан душман эдингиз, Аллоҳ қалбларингизни Ўзининг ва пайгамбарининг муҳаббати устида бирлаштирди ва қалбларингизга бир-бирингизга бўлган меҳр-муҳаббатни солди, Унинг фазлу марҳамати билан сизлар ўзаро муҳаббатли оға-иниларга айландингиз. Ва сизлар жаҳаннам ёқасида эдингиз, Аллоҳ сизларни Ислом билан тўғри йўлга йўллаб, дўзахдан қутқарди. Рушду ҳидоят йўлига йўлланишингиз ва ундан асло адашиб кетмаслигингиз учун Аллоҳ сизларга саҳиҳ иймон белгиларини қандай баён қилиб берган бўлса, солиҳ бўлишингизга сабаб бўладиган барча ишларни худди шундай баён қилади.

وَلَتَكُنَّ مِنْكُمْ أُمَّةٌ يَدْعُونَ إِلَى الْخَيْرِ وَيَأْمُرُونَ بِالْمَعْرُوفِ وَيَنْهَوْنَ عَنِ  
 الْمُنْكَرِ وَأُولَئِكَ هُمُ الْمُفْلِحُونَ (104)

104. Эй мўминлар, сизларнинг орангиздан яхшиликка чорлайдиган, маъруфга — яхши иш экани шаръан ва ақлан билинган нарсага — буюрадиган ва мункардан — ёмон иш экани шаръан ва ақлан билинган нарсадан — қайтарадиган

бир жамоат бўлсин. Ана ўшалар ноз-неъматли жаннатларга эришувчи кишилардир.

وَلَا تَكُونُوا كَالَّذِينَ تَفَرَّقُوا وَاخْتَلَفُوا مِنْ بَعْدِ مَا جَاءَهُمُ الْبَيِّنَاتُ وَأُولَئِكَ لَهُمْ  
عَذَابٌ عَظِيمٌ (105)

105. Эй мўминлар, ораларига адоват ва нафрат тушиб, хар хил гуруҳ ва тоифаларга бўлиниб кетган, ҳақ уларга равшан бўлганидан сўнг динларининг асл-асосларида ихтилофга берилган аҳли китоблардек бўлмаг! Улар улкан ва аламли азобга лойиқдирлар.

يَوْمَ تَبْيَضُّ وُجُوهٌ وَتَسْوَدُّ وُجُوهٌ فَأَمَّا الَّذِينَ اسْوَدَّتْ وُجُوهُهُمْ أَكْفَرْتُمْ بَعْدَ  
إِيمَانِكُمْ فذُوقُوا الْعَذَابَ بِمَا كُنْتُمْ تَكْفُرُونَ (106)

106. Қиёмат куни Аллоҳ ва Расулига иймон келтирган ва Аллоҳнинг амру фармонларини адо этган бахтли кишиларнинг юзлари оқ бўлгай, Аллоҳнинг расулини ёлгончига чиқарган ва Унинг амру фармонларига осий бўлган бахтсиз кимсаларнинг юзлари қора бўлгай. Энди юзи қора бўлган кимсаларни шармисор қилиниб, уларга: «Иймон келтирганингиздан сўнг яна куфрга қайтдингизми, куфрни иймондан афзал билдингизми?! Энди кофир бўлганингиз сабабли азобни тотинг!», дейилгай.

وَأَمَّا الَّذِينَ ابْيَضَّتْ وُجُوهُهُمْ فَفِي رَحْمَةِ اللَّهِ هُمْ فِيهَا خَالِدُونَ (107)

107. Неъматлар жилваси ва хушxabарлар таъсирида юзлари оқариб, ёришиб кетган кишилар эса Аллоҳнинг жаннати ва ноз-неъматлари ичра абадий қолгайлар.

تِلْكَ آيَاتُ اللَّهِ تَتْلُوهَا عَلَيْكَ بِالْحَقِّ وَمَا اللَّهُ يُرِيدُ ظُلْمًا لِلْعَالَمِينَ (108)

108. Бу Аллоҳнинг оятлари ва очик-равшан ҳужжат-ларидирки, биз уларни сизга — эй Пайғамбар — ҳақ билан тиловат қилмоқдамиз. Аллоҳ халқларидан бирон кишига зулм қилувчи ва уларнинг биронта ҳам амалини зое қилувчи эмасдир. Чунки, У ҳеч қачон зулм қилмайдиган адолатли Ҳокимдир.

وَلِلَّهِ مَا فِي السَّمَوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ وَإِلَى اللَّهِ تُرْجَعُ الْأُمُورُ (109)

109. Осмонлару Ердаги барча нарсалар яратилиш жиҳатидан ҳам, бошқарилиш жиҳатидан ҳам ягона Аллоҳнинг мулкидир. Охир-оқибат барча махлуқот фақат Унинг ҳузурига қайтгай ва У ҳар кимга ўзи лойиқ бўлган жазо-мукофотларни бергай.

كُنْتُمْ خَيْرَ أُمَّةٍ أُخْرِجَتْ لِلنَّاسِ تَأْمُرُونَ بِالْمَعْرُوفِ وَتَنْهَوْنَ عَنِ الْمُنْكَرِ  
وَتُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَلَوْ آمَنَ أَهْلُ الْكِتَابِ لَكَانَ خَيْرًا لَهُمْ مِنْهُمُ الْمُؤْمِنُونَ  
وَأَكْثَرُهُمُ الْفَاسِقُونَ (110)

110. Сизлар — эй Муҳаммад уммати — энг яхши уммат ва одамларга энг кўп манфаат етказувчи инсонларсиз. Зеро, маъруфга — яхши иш экани шаръан ва ақлан билинган нарсага — буюрасиз, мункардан — ёмон иш экани шаръан ва ақлан билинган нарсадан — қайтарасиз, Аллоҳга иймон келтириб, буни амалларингиз билан исбот қиласиз. Агар аҳли китоб бўлмиш яҳуд ва насоро ҳам Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга ва у Аллоҳ ҳузуридан олиб келган нарсага худди сизлардек иймон келтирганда эди, ўзлари учун дунёда ҳам, охиратда ҳам яхши бўларди. Улар ичида Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг рисолатини тасдиқ этувчи ва унга амал қилувчи мўминлари ҳам бор, лекин улар озчиликдир. Кўплари эса Аллоҳнинг дини ва тоатидан чиқувчи фосиқ кимсалардир.

لَنْ يَضُرُّوكُمْ إِلَّا أَذَىٰ وَإِنْ يُقَاتِلُوكُمْ يُؤَلِّتُوكُمْ ۗ الْأَذْبَارَ ثُمَّ لَا يُنصَرُونَ (111)

111. Аҳли китобдан бўлган у фосиклар қулоғингизга озор берувчи ширкона ва куфрона сўзлардан бошқа бирон нарса билан сизларга ҳаргиз зиён етказа олмайдилар. Сизларга қарши урушга кирсалар, мағлуб бўлиб, ортларига қочадилар. Шундан сўнг уларга сизларнинг устингиздан нусрат-ёрдам берилмайди.

ضَرَبَتْ عَلَيْهِمُ الدَّلَّةُ أَيْنَ مَا تُقِفُوا إِلَّا بِحَبْلٍ مِنَ اللَّهِ وَحَبْلِ مِنَ النَّاسِ وَبَاءُوا  
بِغَضَبٍ مِنَ اللَّهِ وَضَرَبَتْ عَلَيْهِمُ الْمَسْكَنَةَ ذَلِكَ بَأَنَّهُمْ كَانُوا يَكْفُرُونَ بِآيَاتِ  
اللَّهِ وَيَقْتُلُونَ الْأَنْبِيَاءَ بِغَيْرِ حَقِّ ذَلِكَ بِمَا عَصَوْا وَكَانُوا يَعْتَدُونَ (112)

112. Аллоҳ таоло хорлик ва тубанликни яхудлардан асло ажралмайдиган, доим улар билан бирга қилиб кўйди. Улар қаерда бўлмасинлар, хор ва ҳақирдирлар, фақат Аллоҳдан ва одамлардан олган аҳдлари билангина жону молларини омонда олиб юришади. Бу аҳд эса улар учун зиммийлик мақоми берилиши ва улар устидан Ислому ҳукмлари юритилиши аҳдидир. Улар ҳақли равишда Аллоҳнинг ғазабига дучор бўлдилар ва уларга хор-зорлик ва бечораҳолик битиб кўйилди. Шу боис яхудий кимса борки, доим мўминлардан кўрқув ва ҳадикда юришини кўрасиз. Бу хорликни Аллоҳга кофир бўлганлари, Унинг ҳад-худудларига тажовуз қилганлари ва пайғамбарларни зулму тажовуз билан ўлдирганлари сабабли Аллоҳ уларга битиб кўйгандир. Гуноҳу маъсиятларга ботиб қолишлари ва Аллоҳнинг ҳад-худудларига тажовуз қилишларигина уларни бу қилмишларга журъатлантирди.

لَيْسُوا سَوَاءً مِنْ أَهْلِ الْكِتَابِ أُمَّةٌ قَائِمَةٌ يَتْلُونَ آيَاتِ اللَّهِ آنَاءَ اللَّيْلِ وَهُمْ  
يَسْجُدُونَ (113)

113. Аҳли китобнинг ҳаммаси ҳам бир хил эмас. Улар ичида Аллоҳнинг амру фармонларини бажо келтирувчи, Унинг пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга иймон келтирган бир жамоа ҳам борки, улар кечаларда Куръон оятларини тиловат қилиб, намозларида Аллоҳга муножот қилиб турадилар.

يُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ وَيَأْمُرُونَ بِالْمَعْرُوفِ وَيَنْهَوْنَ عَنِ الْمُنْكَرِ  
وَيَسَارِعُونَ فِي الْخَيْرَاتِ وَأُولَئِكَ مِنَ الصَّالِحِينَ (114)

114. Улар Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирадилар, тамомий яхшиликларга буюрадилар ва тамомий ёмонликлардан қайтарадилар, ўзлари ҳам доим яхши ишлар қилишга ошиқадилар. Ана ўшалар Аллоҳнинг солиҳ бандаларидандир.

وَمَا يَفْعَلُوا مِنْ خَيْرٍ فَلَنْ يُكْفَرُوهُ وَاللَّهُ عَلِيمٌ بِالْمُتَّقِينَ (115)

115. Иймон келтирган ушбу жамоанинг озми-кўпми, қилган ҳар қандай яхши амали Аллоҳ хузурида ҳаргиз зое бўлмайди, улар албатта амалларининг мукофотларини олишади. Аллоҳ Унинг розилигини истаб ва Ундан ажру савоб талаб қилиб, яхши амаллар қиладиган ва ҳаром ишлардан четланадиган тақводор зотларни яхши билувчидир.

إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا لَنْ تُغْنِي عَنْهُمْ أَمْوَالُهُمْ وَلَا أَوْلَادُهُمْ مِنَ اللَّهِ شَيْئاً وَأُولَئِكَ  
أَصْحَابُ النَّارِ هُمْ فِيهَا خَالِدُونَ (116)

116. Аллоҳнинг оятларига кофир бўлган ва Унинг пайғамбарларини ёлғончи санаган кимсаларнинг на мол-дунёлари ва на бола-чақалари Аллоҳнинг дунё-ю охиратдаги азобидан бирон нарсани асло қайтара олмайди. Ана ўшалар дўзах эгалари бўлиб, унда абадий қоладилар.

مَثَلُ مَا يُنْفِقُونَ فِي هَذِهِ الْحَيَاةِ الدُّنْيَا كَمَثَلِ رِيحٍ فِيهَا صِرٌّ أَصَابَتْ حَرْثَ قَوْمٍ  
ظَلَمُوا أَنْفُسَهُمْ فَأَهْلَكَتَهُ وَمَا ظَلَمَهُمُ اللَّهُ وَلَكِنْ أَنْفُسَهُمْ يَظْلِمُونَ (117)

117. Кофирларнинг бу дунё ҳаётида яхшилик йўллари пул-мол сарфлаб, унинг савобини умид қилишлари мисоли бир қавмнинг яхши ҳосил умид қилиб турган экинини уриб, ҳалок қилган кучли совуқ шамолга ўхшайдики, гуноҳлари сабабли шамол ундан бирон нарсани қолдирмади. У кофирлар ҳам охиратда ҳеч қандай савоб топмайдилар. Бу билан Аллоҳ уларга зулм қилмади, балки улар куфру исёнлари сабабли ўзларига ўзлари зулм қилишди.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَتَّخِذُوا بَطَانَةَ مِن دُونِكُمْ لَا يَأْلُونَكُمْ خَبَالًا وَدُّوا مَا  
عَنِتُمْ قَدْ بَدَتِ الْبَغْضَاءُ مِنْ أَفْوَاهِهِمْ وَمَا تُخْفِي صُدُورُهُمْ أَكْبَرُ قَدْ بَيَّنَّا لَكُمُ  
الآيَاتِ إِن كُنْتُمْ تَعْقِلُونَ (118)

118. Эй Аллоҳ ва Расулига иймон келтирган ва Аллоҳнинг шариатига амал қилувчи кишилар, сизлар мўминларни қўйиб, кофирларни сирдош дўст тутмангиз! У кофирлар сизларни ёмон аҳволга солиш йўлида бор кучларини аяшмайди ва сизларга етган ҳар қандай зарар ва ёмонликдан хурсанд бўлишади. Сизларни қаттиқ ёмон кўришлари оғизларидан чиқаётган сўзларида ошкор бўлди, дилларида яширинган адоват ундан-да кучлироқ ва қаттароқдир. Агар сизлар ақлингизни ишлатиб, Аллоҳнинг

панд-насихатлари, буйрук ва қайтариқларини яхши англа-сангиз, Биз сизларга панд-насихат олишингиз ва эҳтиёт бўлишингиз учун далил ва хужжатларни баён қилдик.

هَا أَنْتُمْ أَوْلَاءُ تُحِبُّونَهُمْ وَلَا يُحِبُّونَكُمْ وَتُؤْمِنُونَ بِالْكِتَابِ كُلِّهِ وَإِذَا لَقُوكُمْ قَالُوا  
آمَنَّا وَإِذَا خَلَوْا عَضُوا عَلَيْكُمْ الْأَنَامِلَ مِنَ الْعَيْظِ قُلْ مُوتُوا بِعَيْظِكُمْ إِنَّ  
اللَّهَ عَلِيمٌ بِذَاتِ الصُّدُورِ (119)

119. Уларга муҳаббат кўйишингиз хато эканига далил шудир: сизлар уларни яхши кўрасиз ва уларга яхшилик истайсиз, улар эса сизларни ёқтирмайдилар, дилларида сизларга нисбатан бугзу адоватлари бор. Сизлар барча самовий китобларга, шу жумладан уларнинг китобларига ҳам иймон келтирасиз, улар эса сизларнинг китобингизга иймон келтиришмайди. Бас, қандай уларни яхши кўрасиз-лар?! Сизларга йўлиққанларида мунофиқлик билан: «Биз ҳам иймон келтирдик ва тасдиқладик», дейишади. Бир-бирлари билан ёлғиз қолганларида эса уларни ғамгинлик ва хафалик олади, мусулмонларнинг ўзаро аҳил-иноқлик-ларини ва диллари бир-бирига пайванд эканини, Ислом-нинг азизланиб, ўзларининг хорланишаётганини кўриб, ғазаб ва нафратдан бармоқларини тишлашади. Эй Пайғамбар, сиз уларга: «Шу ғазаб ва нафратларингиз билан ўлиб кетинглар!», деб айтинг. Албатта, Аллоҳ таоло дилларда яширин бўлган сирларни билувчи Зотдир, У ҳар кимга қилган яхши ва ёмон ишларига яраша жазо ва мукофотини беради.

إِنْ تَمَسَسَكُمْ حَسَنَةٌ نَسُّوهُمْ وَإِنْ تُصِبْكُمْ سَيِّئَةٌ يَفْرَحُوا بِهَا وَإِنْ تَصْبِرُوا  
وَتَتَّقُوا لَا يَضُرُّكُمْ كَيْدُهُمْ شَيْئًا إِنَّ اللَّهَ بِمَا يَعْمَلُونَ مُحِيطٌ (120)

120. Уларнинг адовати шу даражадаки, сизларга — эй мўминлар — ғалаба, ўлжага эришиш каби бирор яхшилик келса, уларни ғам-андух ва мусибат чулғаб олади. Аммо, бошингизга мағлубият, молу жон ва экин-тикинга талофот етиш каби бирон ёқимсиз иш тушса, улар бундан чексиз хурсанд бўлишади. Бошингизга тушган ишларга сабр қилсангиз ва Аллоҳдан У буюрган ва қайтарган ишларда тақво қилсангиз, уларнинг макрларидан етаётган озорлар сизлар учун зарарли эмасдир. Аллоҳ у кофир кимсаларнинг барча қилмишларидан хабардор ва уларнинг жамики фасод ишларини ихота қилувчи Зотдир, У албатта уларга қилмишларига яраша жазоларини беради.

وَإِذْ عَدَوْتَ مِنْ أَهْلِكَ تُبَوِّئُ الْمُؤْمِنِينَ مَقَاعِدَ لِلْقِتَالِ وَاللَّهُ سَمِيعٌ عَلِيمٌ (121)

121. Эй Пайғамбар, эгнингизга уруш анжомини кийган холда уйингиздан чиқиб, асхобларингиз сафларини тартибга келтираётган ва Ухуд жангида душманга тўқнашишлари учун уларнинг хар бирини ўз ўрнига қўяётган соатингизни эсга олинг. Аллоҳ сўзларингизни эшитувчи ва ишларингизни билувчи Зотдир.

إِذْ هَمَّتْ طَائِفَتَانِ مِنْكُمْ أَنْ تَفْشَلَا وَاللَّهُ وَلِيهُمَا وَعَلَى اللَّهِ فَلْيَتَوَكَّلِ الْمُؤْمِنُونَ (122)

122. Эй Пайғамбар, Бану Салама ва Бану Ҳориса қабилаларидан содир бўлган ишни эсланг, улар душманга йўлиқишдан кўрқиб, раислари мунофиқ Абдуллоҳ ибн Убайга қўшилиб, ортга қайтиб кетиш ҳақида ўйлаб қолишганди. Бирок, Аллоҳ уларни сақлади ва бундай ножўя ишга кадам қўйишдан асраб қолди, шундан сўнг улар Аллоҳга таваккул қилиб, сиз билан бирга юришда давом



этишди. Мўминлар Аллоҳнинг Ўзигагина таваккул қилсинлар!

وَلَقَدْ نَصَرَكُمُ اللَّهُ بِبَدْرٍ وَأَنْتُمْ أَذِلَّةٌ فَاتَّبَعُوا اللَّهَ لَعَلَّكُمْ تَشْكُرُونَ (123)

123. Эй мўминлар, Бадр жангида сонингиз ва уруш ҳозирлигингиз кам бўлишига қарамай, Аллоҳ сизларга мушрик душманларингиз устидан ғалаба берди. Бас, буйруқларини адо этиш ва қайтариқларидан тийилиш билан Аллоҳдан кўркинлар! Шояд, Унинг неъматлари шукрини адо этсангизлар!

إِذْ تَقُولُ لِلْمُؤْمِنِينَ أَلَنْ يَكْفِيَكُمْ أَنْ يُمِدَّكُمْ رَبُّكُمْ بِثَلَاثَةِ آلَافٍ مِنَ الْمَلَائِكَةِ مُنَزَّلِينَ (124)

124. Эсланг эй Пайғамбар, Бадрда мушрикларга мадад етиб келганда бу нарса саҳобаларингизни жуда қийин аҳволга тушириб қўйган эди, ўшанда Биз сизга ваҳий тушириб, уларга мана бундай деб айтишингизни буюрдик: «Роббингиз уч минг фариштани сизларни қўллаб-қувватлаш ва сизлар билан бирга жанг қилиш учун самодан жанг майдонига тушириш билан мадад кўрсатгани сизлар учун кифоя қилмайдими?!»

بَلَىٰ إِنَّ تَصَبِرُوا وَتَتَّقُوا وَيَأْتُوكُم مِّن فَوْرِهِمْ هَذَا يُمِدِّدْكُمْ رَبُّكُمْ بِخَمْسَةِ آلَافٍ مِنَ الْمَلَائِكَةِ مُسَوِّمِينَ (125)

125. Йўқ, бу мадад сизларга албатта кифоя қилади! Сизларга яна бир башорат борки, агар душман билан тўқнашганда сабр-бардошли бўлсангиз ва Аллоҳдан буйруқларини қилиш ва қайтариқларидан тийилиш билан тақво қилсангиз ва Макка мушриклари ўша он сизларни кириб ташлаш мақсадида устингизга шиддат билан

ёпирилсалар, Аллоҳ таоло сизларга белгили — яъни, ўзларини ва отларини аниқ-тиниқ белгилар билан белгили қилиб олган — беш мингта фаришта билан мадад бергай.

وَمَا جَعَلَهُ اللَّهُ إِلَّا بُشْرَىٰ لَكُمْ وَلِتَطْمَئِنَّ قُلُوبُكُم بِهِ وَمَا النَّصْرُ إِلَّا مِنْ عِنْدِ

اللَّهِ الْعَزِيزِ الْحَكِيمِ (126)

126. Аллоҳ таоло фаришталар билан қилган ушбу мададни сизларга фақат дилларингизга шодлик киритадиган ва қалбларингизга таскин бахш этадиган хушхабар бўлиши учунгина қилди. Зотан, ғалаба фақат ҳеч ким бас келолмайдиган қудратли ҳамда Ўз тадбир ва феълларида хикмат соҳиби бўлган Аллоҳ хузуридандир.

لِيَقْطَعَ طَرَفًا مِّنَ الَّذِينَ كَفَرُوا أَوْ يَكْتَسِبُهُمْ فَيُنْقَلِبُوا خَائِبِينَ (127)

127. Аллоҳ таолонинг сизларга Бадрда берган ғалабаси кофирлардан бир гуруҳи қатл қилиниб, ҳалок бўлиши учун, ўлимдан қутулиб қолганлари эса ғам-ғуссага ботиб, хор ва шарманда ҳолда, ҳасрат билан қайтишлари учун эди.

لَيْسَ لَكَ مِنَ الْأَمْرِ شَيْءٌ أَوْ يَتُوبَ عَلَيْهِمْ أَوْ يُعَذِّبُهُمْ فَأِنَّهُمْ ظَالِمُونَ (128)

128. Эй Пайғамбар, бандаларнинг ишларидан бирон нарса сизнинг ихтиёрингизда эмас, балки барча ишлар ягона ва шериксиз Аллоҳ таолоникидир. Шояд, сизга қарши урушган айрим кишиларнинг диллари очилиб, Исломни қабул қилишар ва Аллоҳ уларнинг тавбаларини қабул қилар. Кофир ҳолда қолганларини эса Аллоҳ зулму тажовузлари сабабли дунё ва охиратда азоблагай.

وَلِلَّهِ مَا فِي السَّمَوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ يَغْفِرُ لِمَن يَشَاءُ وَيُعَذِّبُ مَن يَشَاءُ وَاللَّهُ

عَفُورٌ رَّحِيمٌ (129)

129. Осмонлару Ердаги барча нарсалар ягона Аллоҳ-никидир. У истаган бандасини Ўз раҳмати билан мағфират қилади, истаган бандасини эса Ўз адли билан азоблайди. Аллоҳ бандаларининг гуноҳларини кечирувчи ва уларга меҳрибон Зотдир.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَأْكُلُوا الرِّبَا أَضْعَافًا مُضَاعَفَةً وَاتَّقُوا اللَّهَ لَعَلَّكُمْ

تُفْلِحُونَ (130)

130. Эй Аллоҳ ва Расулини тасдиқловчи ва Аллоҳнинг шариатига амал қилувчи кишилар, судхўрликнинг барча турларидан ҳазир бўлинглар, қарз муомаласи қилганингизда дастмоянғиз (яъни, берган пулингиз) устига оз бўлсада қўшимча фоиз олманглар! Шундоқ экан, қарзни ўташ вақти янгилангани сари қўшимча фоизи ҳам ошиб боравериши қандай дуруст бўлсин?! Дунё-ю охиратда нажот топишингиз учун Аллоҳнинг шариатига амал қилиш билан Ундан тақво қилинглар!

وَاتَّقُوا النَّارَ الَّتِي أُعِدَّتْ لِلْكَافِرِينَ (131)

131. Кофирлар учун ҳозирлаб қўйилган дўзах ўти билан ўз орангизга тўсиқ ҳозирлаб олинглар!

وَأَطِيعُوا اللَّهَ وَالرَّسُولَ لَعَلَّكُمْ تُرْحَمُونَ (132)

132. Эй мўминлар, Аллоҳнинг раҳматига эришиш ва азобидан сақланиш учун Аллоҳга У буюрган тоатларда ва қайтарган судхўрлик ва бошқа ишларда итоат қилинглар ва Пайгамбарга итоат қилинглар!

وَسَارِعُوا إِلَى مَغْفِرَةٍ مِنْ رَبِّكُمْ وَجَنَّةٍ عَرْضُهَا السَّمَاوَاتُ وَالْأَرْضُ أُعِدَّتْ

لِلْمُتَّقِينَ (133)

133. Роббингизнинг мағфиратини ва кенглиги осмон-лару ерча бўлган, такводор зотлар учун хозирлаб қўйган бепоён жаннатини қўлга киритиш учун Аллоҳ ва Расулига итоатингиз билан шошилингиз!

الَّذِينَ يُنْفِقُونَ فِي السَّرَّاءِ وَالضَّرَّاءِ وَالْكَاطِمِينَ الْغَيْظِ وَالْعَافِينَ عَنِ النَّاسِ  
وَاللَّهُ يُحِبُّ الْمُحْسِنِينَ (134)

134. У такводор зотлар молларини енгилу оғир кунларда инфоқ-эхсон қиладиган, сабр-бардош билан ғазабларини ичга ютадиган, ўзларига зулм қилган кимсаларни ўч олишга қодир бўла туриб кечириб юборадиган кишилардир. Мана шу эҳсондир ва Аллоҳ ана шундай эҳсон соҳибларини яхши кўради.

وَالَّذِينَ إِذَا فَعَلُوا فَاحِشَةً أَوْ ظَلَمُوا أَنْفُسَهُمْ ذَكَرُوا اللَّهَ فَاسْتَغْفَرُوا لِذُنُوبِهِمْ  
وَمَنْ يَغْفِرِ الذُّنُوبَ إِلَّا اللَّهُ وَلَمْ يُصِرُّوا عَلَىٰ مَا فَعَلُوا وَهُمْ يَعْلَمُونَ (135)

135. Яна улар бирон катта гуноҳ қилиб қўйсалар ёки кичикроқ гуноҳлар билан ўзларига зулм қилсалар, Аллоҳнинг ваъда ва кўрқитувларини эсга олиб, тавбатазарру билан Роббиларига илтижо қиладиган, гуноҳларни фақат Аллоҳгина кечиришига аниқ ишонган ҳолда Ундан гуноҳларини кечиришини сўрайдиган кишилардир. Шунинг учун улар агар тавба қилсалар Аллоҳ албатта уларнинг тавбаларини қабул қилишини билган ҳолларида гуноҳу маъсиятда давом этмайдилар.

أُولَٰئِكَ جَزَاؤُهُمْ مَغْفِرَةٌ مِنْ رَبِّهِمْ وَجَنَّاتٌ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ خَالِدِينَ  
فِيهَا وَنِعَمٌ أَجْرًا لِلْعَامِلِينَ (136)

136. Шундай улуғ сифатлар билан сифатланган у зотларнинг мукофотлари Аллоҳ уларнинг гуноҳларини кечириши ва улар учун дарахтлари ва қасрлари остидан ширин сувли анҳорлар оқиб турадиган, улар абадий қоладиган ва асло ундан чиқарилмайдиган жаннатлар бўлишидир. Гуноҳлар кечирилиши ва жаннатга дохил бўлиш яхши амал қилувчи зотлар учун нақадар яхши мукофотдир!

قَدْ خَلَتْ مِنْ قَبْلِكُمْ سُنَنٌ فَسِيرُوا فِي الْأَرْضِ فَانظُرُوا كَيْفَ كَانَ عَاقِبَةُ

الْمُكْذِبِينَ (137)

137. Аллоҳ таоло Уҳуд жанги куни мусибатга дучор бўлган мўминларга таъзия ва тасалли бериб, хитоб қиладики, сизлардан илгари ҳам умматлар ўтган, уларнинг мўминлари ҳам кофирларига қарши урушларда мусибатга учраган ва оқибат улар фойдасига бўлган. Бас, сизлар ҳам Ер юзини кезиб, Аллоҳни ва пайғамбарларини ёлғончи қилган кимсаларнинг етиб борган оқибатларидан ибрат олинглар!

هَذَا بَيَانٌ لِلنَّاسِ وَهُدًى وَمَوْعِظَةٌ لِّلْمُتَّقِينَ (138)

138. Бу Қуръон одамлар учун ҳақни баён қилиш, тўғри йўлга йўллаш ва Аллоҳдан кўрқадиган такводор кишиларнинг диллари унга мойил бўладиган эслатмадир. Эслатманинг такводорларга хосланиши ундан фақат ўшаларгина фойда олганлари учундир.

وَلَا تَهِنُوا وَلَا تَحْزَنُوا وَأَنْتُمُ الْأَعْلَوْنَ إِنْ كُنْتُمْ مُؤْمِنِينَ (139)

139. Эй мўминлар, душманларингизга қарши жанг қилишдан сустлашмангиз ва Уҳудда етган мусибат сабабли ғамгин бўлмангиз! Аллоҳ ва Расулини тасдиқ этувчи ва

Аллоҳнинг шариатига амал қилувчи экансизлар, сизлар  
ғолибсиз ва оқибат сизларнинг фойдангизга бўлгай!

إِنْ يَمَسُّكُمْ قَرْحٌ فَقَدْ مَسَّ الْقَوْمَ قَرْحٌ مِثْلُهُ وَتِلْكَ الْأَيَّامُ نُدَاوِلُهَا بَيْنَ  
النَّاسِ وَيَلْعَلَمَ اللَّهُ الَّذِينَ آمَنُوا وَيَتَّخِذَ مِنْكُمْ شُهَدَاءَ وَاللَّهُ لَا يُحِبُّ الظَّالِمِينَ

(140)

140. Эй мўминлар, агар сизларга Ухуд жангида жароҳатланиш ва ўлдирилиш мусибати етиб, шунинг учун ғамга тушган бўлсангизлар, бундан олдин Бадр жангида мушрикларга ҳам айна шундай жароҳатланиш ва ўлдирилиш мусибати етган. Аллоҳ таоло бундай кунларни — остида ҳикматлар борлиги учун — гоҳо ғалаба, гоҳо мағлубият тарзида одамлар ўртасида айлантириб туради. Аллоҳ таоло Ўзи азалда билган нарсани изҳор қилиш ва чин мўминларни бошқалардан ажратиб кўрсатиш учун ҳамда ичларингиздан баъзи қавмларни шаҳидлик неъмати билан иззат-икром қилиш учун шундай қилади. Аллоҳ Унинг йўлида жанг қилишдан четланиб, ўз жонларига зулм қилган кимсаларни ёқтирмайди.

وَلِيْمَحِّصَ اللَّهُ الَّذِينَ آمَنُوا وَيَمْحَقَ الْكَافِرِينَ (141)

141. Ухудда содир бўлган бу мағлубият мўминлар учун ҳақиқий синов ва тозалаш, уларни мунофиқлардан халос қилиш ва кофирлар учун халокат бўлди.

أَمْ حَسِبْتُمْ أَنْ تَدْخُلُوا الْجَنَّةَ وَلَمَّا يَعْلَمِ اللَّهُ الَّذِينَ جَاهَدُوا مِنْكُمْ وَيَعْلَمَ

الصَّابِرِينَ (142)

142. Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам асҳоби, сизлар уруш ва машаққатлар билан синалмасдан туриб

жаннатга кирамиз, деб гумон қилдингизми?! То синовларга дучор бўлмагунингизча ва Аллоҳ ичларингиздан Ўз йўлида жиҳод қилувчиларни ва душман билан тўқнашганда сабр-матонат билан турувчиларни одамларга ҳам ошкор бўладиган тарзда билмагунича сизларга жаннатга кириш насиб бўлмайди.

وَلَقَدْ كُنْتُمْ تَتَمَنَّوْنَ الْمَوْتَ مِنْ قَبْلِ أَنْ تَلْفُوهُ فَقَدْ رَأَيْتُمُوهُ وَأَنْتُمْ  
تَنْظُرُونَ (143)

143. Эй мўминлар, Ухуд жангидан олдин сизлар жиҳод қилиш ҳамда биродарларингиз Бадр жангида эришган Аллоҳ йўлида шаҳид бўлиш шарафига ноил бўлиш учун душман билан тўқнашувни орзу қилаётган эдинглар. Мана, ўзингиз орзу қилган ва талаб қилган иш олдингизда турибди. Қани, келинглари энди, уришга келинглари ва матонат кўрсатинглари!

وَمَا مُحَمَّدٌ إِلَّا رَسُولٌ قَدْ خَلَتْ مِنْ قَبْلِهِ الرُّسُلُ أَفَإِنْ مَاتَ أَوْ قُتِلَ انْقَلَبْتُمْ  
عَلَى أَعْقَابِكُمْ وَمَنْ يَنْقَلِبْ عَلَى عَقْبَيْهِ فَلَنْ يَضُرَّ اللَّهَ شَيْئاً وَسَيَجْزِي اللَّهُ  
الشَّاكِرِينَ (144)

144. Муҳаммад (соллаллоху алайҳи ва саллам) ўзидан илгариги пайғамбарлар каби Роббининг рисолатини етказувчи бир пайғамбар, холос. Агар у ажали етиб вафот қилса ёки душманлар овоза қилганидек ўлдирилса, сизлар динингиздан қайтиб кетасизми ва пайғамбарингиз олиб келган йўлни тарк қиласизми?! Сизлардан кимда-ким динидан қайтса, у Аллоҳга ҳеч қандай зарар етказолмайди, балки фақат ўзигагина катта зарар еткази. Энди, ким иймонда собит турса ва Парвардигорига Ислом неъматининг шукрини адо этса, албатта, Аллоҳ таоло уни гўзал мукофотлар билан мукофотлайди.

وَمَا كَانَ لِنَفْسٍ أَنْ تَمُوتَ إِلَّا بِإِذْنِ اللَّهِ كِتَابًا مُؤَجَّلًا وَمَنْ يُرِدْ ثَوَابَ الدُّنْيَا  
نُؤْتِهِ مِنْهَا وَمَنْ يُرِدْ ثَوَابَ الآخِرَةِ نُؤْتِهِ مِنْهَا وَسَتَجْزِي الشَّاكِرِينَ (145)

145. Ҳеч ким Аллоҳнинг изни ва қазоси етмай ва Аллоҳ унинг тақдирига битиб қўйган муҳлатни тўла қилмай туриб, асло ўлмагай. Ким қилган амали билан дунё матосини истаса, Биз унга Ўзимиз тақсим қилиб қўйган ризкни берамиз, охирада эса унга ҳеч қандай улуш бўлмас. Ким қилган амали билан охирада Аллоҳ ҳузуридан ажру мукофот истаса, Биз унга ўзи истаган нарсани берамиз ва дунёда ўзига тақсим қилиб қўйилган ризкни олиши билан бирга мукофотини тўла қилиб берамиз. Зотан, у ўз тоат-ибодати ва жиҳоди билан Бизга шукр қилди, Биз шукр қилувчиларни яхши мукофотлар билан мукофотлаймиз.

وَكَايِّنَ مِنْ نَبِيٍّ قَاتَلَ مَعَهُ رِيثُونَ كَثِيرٌ فَمَا وَهَنُوا لِمَا أَصَابَهُمْ فِي سَبِيلِ اللَّهِ  
وَمَا ضَعُفُوا وَمَا اسْتَكَانُوا وَاللَّهُ يُحِبُّ الصَّابِرِينَ (146)

146. Кўп пайғамбарлар ўтганки, издошларидан бўлган кўплаб жамоалар улар билан биргаликда жанг қилганлар. Улар ўзларига етган жароҳатлар ва ўлимлардан — бу уларга Аллоҳ йўлида етгани боис — заифлашмадилар, ожизланиб қолмадилар, душманларига бўйин эгмадилар. Балки, бошларига тушган барча кўргуликларга сабр қилдилар. Аллоҳ сабр қилувчиларни яхши кўради.

وَمَا كَانَ قَوْلُهُمْ إِلَّا أَنْ قَالُوا رَبَّنَا اغْفِرْ لَنَا ذُنُوبَنَا وَإِسْرَافَنَا فِي أَمْرِنَا وَثَبَّتْ  
أَقْدَامَنَا وَانصُرْنَا عَلَى الْقَوْمِ الْكَافِرِينَ (147)

147. Ўша сабр қилувчи зотларнинг сўзлари фақат шундай бўлганди: «Эй Роббимиз, бизнинг гуноҳларимизни



ва динимиз ишида биздан содир бўлган ҳаддан ошишларни Ўзинг кечиргин, душманга қарши жангга кирганимизда кадамларимизни собит қилгин, Сени ва пайғамбарларингни инкор қилган кимсалар устидан бизга ғалаба бергин».

فَاتَاهُمُ اللَّهُ ثَوَابَ الدُّنْيَا وَحَسَنَ ثَوَابِ الآخِرَةِ وَاللَّهُ يُحِبُّ الْمُحْسِنِينَ (148)

148. Аллоҳ таоло у собир зотларга дунёда душманлари устидан ғолиб қилиш мукофотини, охиратда эса энг яхши мукофотни — ноз-неъматларга тўла жаннатларни ато этди. Аллоҳ таоло Парвардигорига бўлган ибодатини ва халқларга бўлган муомаласини чиройли қилувчи ҳар бир кишини яхши кўради.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِن تَطِيعُوا الَّذِينَ كَفَرُوا يَرُدُّوكُمْ عَلَى أَعْقَابِكُمْ فَتَنْقَلِبُوا

خَاسِرِينَ (149)

149. Эй Аллоҳ ва Расулини тасдиқловчи ва Унинг шариятига амал қилувчи кишилар! Агар сизлар Менинг ҳақ илоҳ эканимни инкор қиладиган ва Менинг пайғамбарларимга иймон келтирмайдиган яҳуд, насоро, мунофиқ ва мушрикларга улар буюрган ва қайтарган ишларда итоат қилсангизлар, улар сизларни ҳақ йўлдан адаштириб юборишади ва сизлар динингиздан қайтиб, муртад бўлиб қоласизлар. Натижада, сизлар очиқ зиён ва аниқ ҳалокатга гирифтор бўласизлар.

بَلِ اللَّهُ مَوْلَاكُمْ وَهُوَ خَيْرُ النَّاصِرِينَ (150)

150. Улар сизларга асло ёрдам бера олмайдилар, балки Аллоҳ сизнинг ёрдамчингиздир. У энг яхши ёрдамчидирки, У билан бирга бошқа ҳеч қандай ёрдамчига эҳтиёж бўлмайди.

سَلِّقِي فِي قُلُوبِ الَّذِينَ كَفَرُوا الرُّعْبَ بِمَا أَشْرَكُوا بِاللَّهِ مَا لَمْ يُنَزَّلْ بِهِ سُلْطَانًا  
وَمَا وَاهُمْ النَّارُ وَبِئْسَ مَثْوَى الظَّالِمِينَ (151)

151. Аллоҳ билан бирга ибодат қилинишга лойик эканлигига ҳеч қандай далил ва ҳужжат бўлмаган сохта олиҳаларни Аллоҳга шерик қилганлари сабабли кофирларнинг қалбларига кўрқув солиб кўямиз. Уларнинг бу дунёдаги ҳолатлари кўрқув ва мўминлардан доимо ҳадиксираш ҳолати бўлади. Охиратда қарор топадиган жойлари эса дўзахдир. Бу эса зулм ва тажовузлари сабаблидир. Золимларнинг борар жойлари нақадар ёмондир!

وَلَقَدْ صَدَقَكُمُ اللَّهُ وَعْدَهُ إِذْ تَحُسُّونَهُمْ بِإِذْنِهِ حَتَّى إِذَا فَشِلْتُمْ حَتَّى إِذَا فَشِلْتُمْ  
وَتَنَازَعْتُمْ فِي الْأَمْرِ وَعَصَيْتُمْ مِنْ بَعْدِ مَا أَرَاكُمْ مَا تُحِبُّونَ مِنْكُمْ مَنْ يُرِيدُ  
الدُّنْيَا وَمِنْكُمْ مَنْ يُرِيدُ الْآخِرَةَ ثُمَّ صَرَفَكُمْ عَنْهُمْ لِيَبْتَلِيَكُمْ وَلَقَدْ عَفَا  
عَنْكُمْ وَاللَّهُ ذُو فَضْلٍ عَلَى الْمُؤْمِنِينَ (152)

152. Ухуд жангида Аллоҳнинг изни билан кофирларни қира бошлаган пайтингизда Аллоҳ сизларга ваъда қилган ғалабани рўёбга чиқариб берди. Қачонки сизлар кўрқоклик қилиб, урушдан заифлашган ва ўз ўринларингизда қолиш ё ўлжа йиғаётганлар билан биргаликда ўлжа йиғиш учун у ўринни ташлаб кетиш тўғрисида таллашиб-тортишган ва пайғамбарингизнинг ҳар қандай ҳолатда ҳам ўрнингизни тарк қилмасликка бўлган буйруқларига осий бўлган эдингиз, Аллоҳ сизлар яхши кўрган ғалабани кўзингизга кўрсатиб қўйганидан сўнг сизларга мағлубият келди. Ичларингизда ўлжаларни истайдиган кишилар борлиги ҳам маълум бўлди, охиратни ва охиратдаги ажру савобларни истайдиган кишилар борлиги ҳам маълум бўлди. Шундан сўнг Аллоҳ

таоло сизларни имтиҳон қилиш учун юзларингизни душмандан буриб қўйди. Энди Аллоҳ сизларнинг пушаймонлигингизни ва тавбангизни билди ва сизларни афв қилди. Аллоҳ мўминларга улуғ фазлу марҳамат эгасидир.

إِذْ تُصْعِدُونَ وَلَا تَلْوُونَ عَلَىٰ أَحَدٍ وَالرَّسُولُ يَدْعُوكُمْ فِي أُخْرَاكُمْ فَأَثَابَكُمْ  
عَمَّا بَعَثَ لِكَيْلَا تَحْزَنُوا عَلَىٰ مَا فَاتَكُمْ وَلَا مَا أَصَابَكُمْ وَاللَّهُ خَبِيرٌ بِمَا  
تَعْمَلُونَ (153)

153. Эй Муҳаммад асхоби, вужудингизни чулғаб олган даҳшат ва каттиқ кўрқув туфайли ҳеч кимга қарамасдан, душманларингиздан қочиб, тоққа чиқиб кетаётган пайтдаги ҳолатингизни эсга олингиз! Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам майдонда турар, ортингиздан чорлаб: “Эй Аллоҳнинг бандалари, бу ерга келинг!” деб хитоб қилар эди. Сизлар эса қулоқ солмас ва қарамас эдингиз. Қўлдан бой берилган ғалаба ва ўлжаларга, ҳамда бошингизга тушган хавф-хатар ва мағлубиятга маҳзун бўлмаслигингиз учун Аллоҳ сизларга ғам-алам ва тангликни жазо сифатида нозил қилди. Аллоҳ барча ишларингиздан хабардордир, Унга ҳеч бир иш махфий қолмайди.

ثُمَّ أَنْزَلَ عَلَيْكُم مِّن بَعْدِ الْغَمِّ أَمَنَةً نُّعَاسًا يَغْشَىٰ طَائِفَةً مِّنكُمْ وَطَائِفَةٌ قَدْ  
أَهَمَّتْهُمْ أَنفُسُهُمْ يَظُنُّونَ بِاللَّهِ غَيْرَ الْحَقِّ ظَنَّ الْجَاهِلِيَّةِ يَقُولُونَ هَل لَّنَا مِنَ  
الْأَمْرِ مِن شَيْءٍ قُلْ إِنَّ الْأَمْرَ كُلَّهُ لِلَّهِ يُخْفُونَ فِي أَنفُسِهِم مَّا لَا يُبْدُونَ لَكَ  
يَقُولُونَ لَوْ كَانَ لَنَا مِنَ الْأَمْرِ شَيْءٌ مَا قُتِلْنَا هَاهُنَا قُلْ لَوْ كُنْتُمْ فِي بُيُوتِكُمْ

لَبَّرَ الَّذِينَ كُتِبَ عَلَيْهِمُ الْقَتْلُ إِلَى مَضَاجِعِهِمْ وَلِيَبْتَلِيَ اللَّهُ مَا فِي صُدُورِكُمْ  
وَلِيُمَحِّصَ مَا فِي قُلُوبِكُمْ وَاللَّهُ عَلِيمٌ بِذَاتِ الصُّدُورِ (154)

154. Сўнг чин ихлосли мўминларга раҳмат ўлароқ, Аллоҳ таоло уларнинг бошларига тушган бу ғам-андухлардан кейин дилларига Аллоҳнинг ваъдасига бўлган ишонч ва хотиржамликни яна қайта туширди. Шунинг таъсирида улар орасидан ихлос ва иймон аҳли бўлган бир тоифани ором уйқуси ўраб олди. Иккинчи бир тоифага эса, ўз жонларини қутқариб қолиш ташвиши муҳим бўлди ва азму қарорлари сустлашиб, ўзлари билан ўзлари бўлиб қолишди. Роббиларига ва Унинг дини ва пайғамбарига нисбатан нотўғри, ёмон гумонлар қилишди. “Аллоҳ Ўз пайғамбарининг ишини камолига етказмайди, Ислом энди ҳеч қачон қад ростлай олмайди” деган гумонларга боришди. Шунинг учун уларни жангга чиққанларидан пушаймон эканларини кўрасиз. Бир-бирларига ҳасрат билан: “Урушга чиқиш хусусида биз учун ихтиёр бўлдимиз ўзи?!” дейишади. Эй пайғамбар, сиз уларга: “Ишнинг ҳаммаси Аллоҳникидир. Сизларнинг жангга чиқишларин-ғизни ҳам ва сизларга юз берган бу ходисаларни ҳам тақдир қилган Унинг Ўзидир”, деб айтинг. Улар сизга изҳор қилмаётган урушга чиқиш борасидаги ғам-ҳасратларини ичларида яширадилар. Айтишадики: “Агар бизда озгина ихтиёр бўлганида, бу ерларда ўлиб кетмаган бўлар эдик”. Сиз уларга айтинг: “Ажаллар Аллоҳнинг қўлидадир, агар сизлар уйлариңгизда бўлсангиз ва Аллоҳ сизларнинг ўлишингизни тақдир қилган бўлса, қисматларига ўлим битилган кимсалар ўлдириладиган жойларига чиқиб келишган бўларди”. Бу нарсани Аллоҳ таоло дилларингизда бўлган шак-шубҳа ва нифокни текшириш учун, нопокни покдан ажратиб қўйиш учун ва мўмин киши гап сўзида ҳам, ишларида ҳам мунофиқдан яққол фарқланиб, одамлар кўзида ажралиб туриши учун

қилди. Аллоҳ халқларнинг дилларидаги нарсани яхши билувчи Зотдир. Унга уларнинг ишларидан ҳеч бир нарса махфий қолмайди.

إِنَّ الَّذِينَ تَوَلَّوْا مِنْكُمْ يَوْمَ الْتَقَى الْجَمْعَانِ إِنَّمَا اسْتَزَلَّهُمُ الشَّيْطَانُ بِبَعْضِ مَا كَسَبُوا وَلَقَدْ عَفَا اللَّهُ عَنْهُمْ إِنَّ اللَّهَ غَفُورٌ حَلِيمٌ (155)

155. Эй Муҳаммад асҳоби, мўмин ва мушриклар Уҳуд жангида ўзаро тўқнашган кунда ичларингиздан урушдан қочган кимсаларни баъзи гуноҳлари сабабли фақат шайтоннинг ўзи мана шу маъсиятга туширди. Дарҳақиқат, Аллоҳ уларнинг гуноҳларини кечирди ва уларга азоб туширмади. Албатта, Аллоҳ таоло тавба қилган гуноҳкорларни кечирувчи ва Ўзига осий бўлган кимсаларга уқубатни шошилтирмайдиган ҳалим Зотдир.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَكُونُوا كَالَّذِينَ كَفَرُوا وَقَالُوا لِإِخْوَانِهِمْ إِذَا ضَرَبُوا فِي الْأَرْضِ أَوْ كَانُوا غُزًى لَوْ كَانُوا عِنْدَنَا مَا مَاتُوا وَمَا قُتِلُوا لِيَجْعَلَ اللَّهُ ذَلِكَ حَسْرَةً فِي قُلُوبِهِمْ وَاللَّهُ يُحْيِي وَيُمِيتُ وَاللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ بَصِيرٌ (156)

156. Эй Аллоҳу Расулига иймон келтирган ва Аллоҳнинг шариатига амал қилган кишилар, сизлар Роббиларига иймон келтирмайдиган кофир кимсаларга ўхшаманглар. У кофирлар ўзларининг куфр аҳлидан бўлган биродарлари агар тирикчилик мақсадида Аллоҳнинг ерида сафар қилиб, ёки жангчилар билан бирга урушга кириб, шу сафар ёки урушда ўлишса ёки ўлдирилишса, улар ҳақида: “Агар ўшалар сафарга ёки жангга чиқмасдан биз билан бирга ўтиришганда эди, ўлмаган ва ўлдирилмаган бўлишар эди”, деб айтишади. Бу сўз уларнинг қалбларига ўрнашадиган ғам-алам ва ҳасратни зиёда қилади. Мўминлар эса, бу нарсалар фақат Аллоҳнинг қадари билан бўлишини жуда

яхши биладилар. Аллоҳ уларнинг қалбларини ҳаққа йўллаб қўяди ва мусибатларини енгиллатиб қўяди. Аллоҳ яшашини тақдир қилган кишини гарчи мусофир ёки урушда бўлса ҳам яшатираверади. Ажали етган кишини эса уйда ҳам вафот эттираверади. Аллоҳ сизлар қилаётган барча ишларни кўриб турувчи ва уларга муносиб жазо-ю мукофотлар берувчи Зотдир.

وَلَيْنَ قُتِلْتُمْ فِي سَبِيلِ اللَّهِ أَوْ مِتُّمْ لَمَغْفِرَةً مِنَ اللَّهِ وَرَحْمَةً خَيْرٌ مِمَّا  
يَجْمَعُونَ (157)

157. Эй мўминлар! Аллоҳ йўлида жиҳод қилаётган холингизда ўлдирилсангиз ёки жанг асносида вафот этсангиз, албатта Аллоҳ гуноҳларингизни мағфират қилгай ва Ўз раҳмати остига олиб, сизларни ноз-неъмат жаннатларига киритгай. Мана шу мукофот дунёдан ва дунё аҳли жамғарган барча нарсдан яхшидир.

وَلَيْنَ مِتُّمْ أَوْ قُتِلْتُمْ لِإِلَى اللَّهِ تُحْشَرُونَ (158)

158. Агар бу дунё ҳаётида ажалларингиз етиб, тўшакларингизда вафот этсангиз ёки жанг майдонида ўлдирилсангиз, албатта ёлғиз Аллоҳнинг хузуригагина йиғиласиз ва У амалларингизга муносиб равишда жазо ва мукофотларингизни беради.

فَبِمَا رَحْمَةٍ مِنَ اللَّهِ لِنْتَ لَهُمْ وَلَوْ كُنْتَ فَظًّا غَلِيظَ الْقَلْبِ لَانْفَضُّوا مِنْ حَوْلِكَ  
فَاعْفُ عَنْهُمْ وَاسْتَغْفِرْ لَهُمْ وَشَاوِرْهُمْ فِي الْأَمْرِ فَإِذَا عَزَمْتَ فَتَوَكَّلْ عَلَى اللَّهِ إِنَّ  
اللَّهَ يُحِبُّ الْمُتَوَكِّلِينَ (159)

159. Эй пайғамбар, Аллоҳнинг сизга ва асҳобингизга бўлган раҳмати туфайли сиз асҳобингизга юмшоқ кўнгил ва

меҳрибон бўлдингиз. Агар ёмон ҳулқли, тошбағир бўлганингизда, асхобингиз атрофингиздан кетиб қолишган бўларди. Бас, энди сиз Уҳуд жангида улардан содир бўлган хато туфайли уларни айбдор қилманг ва Аллоҳдан уларнинг гуноҳларини кечиришини сўранг. Маслаҳат-лашиш керак бўлган ишларда улар билан маслаҳатлашинг. Маслаҳатлашувдан сўнг қай бир ишга азму қарор қилсангиз, Аллоҳнинг ёлғиз ўзига суянган ҳолда шу ишга киришинг. Албатта, Аллоҳ Ўзига суянувчи — таваккул қилувчи кишиларни яхши кўради.

إِنْ يَنْصُرْكُمْ اللَّهُ فَلَا غَالِبَ لَكُمْ وَإِنْ يَخْذُلْكُمْ فَمَنْ ذَا الَّذِي يَنْصُرْكُمْ  
مِنْ بَعْدِهِ وَعَلَى اللَّهِ فَلْيَتَوَكَّلِ الْمُؤْمِنُونَ (160)

160. Агар Аллоҳ Ўз нусрати ва ёрдами билан мадад берса, ҳеч ким сизлардан ғолиб бўлишга қодир бўлмайди. Агар Аллоҳ сизларни ёрдамсиз қолдирса, Аллоҳнинг ёрдамсиз қолдиришидан сўнг ким ҳам сизларга ёрдам беришга қодир бўлар эди?! Мўминлар Аллоҳнинг Ўзигагина таваккул қилсинлар!

وَمَا كَانَ لِنَبِيٍّ أَنْ يَغُلَّ وَمَنْ يَغْلُلْ يَأْتِ بِمَا غَلَّ يَوْمَ الْقِيَامَةِ ثُمَّ تُوَفَّى كُلُّ نَفْسٍ  
مَا كَسَبَتْ وَهُمْ لَا يُظْلَمُونَ (161)

161. Пайғамбар ўлжалардан Аллоҳ унга хослаганидан бошқа бирор нарсани олиш билан асхобларига хиёнат қилиши жоиз эмасдир. Ичларингиздан ким ана шундай хиёнатга кўл урса, қиёмат куни барча ҳалойиклар кўз олдида шармандаи шармисор қилиниш учун олган нарсасини қўлида кўтариб келади. Кейин ҳар бир жон эгасига ўзи қилган ишларига муносиб жазони ҳеч камайтирилмаган ва зулм қилинмаган ҳолда берилади.

أَقَمْنَ اتَّبَعْنَ رِضْوَانَ اللَّهِ كَمَنْ بَاءَ بِسَخَطٍ مِنَ اللَّهِ وَمَأْوَاهُ جَهَنَّمُ وَبِئْسَ الْمَصِيرُ (162)

162. Мақсади Аллоҳнинг розилиги бўлган киши билан маъсиятларга муккасидан кетган, Роббини ғазаблантирадиган ва шу сабабли жаҳаннамдан ўрин олишга лойик бўлган кимса баробар бўлмагай. Жаҳаннам нақадар ёмон оқибатдир!

هُمْ دَرَجَاتٌ عِنْدَ اللَّهِ وَاللَّهُ بَصِيرٌ بِمَا يَعْمَلُونَ (163)

163. Аллоҳни рози қиладиган ишларга эргашувчи жаннат эгалари олий даражаларда фарқлидирлар. Аллоҳни ғазаблантирувчи ишларга эргашувчи дўзах эгалари ҳам тубан даражаларда фарқлидирлар, барча баробар эмасдир. Аллоҳ уларнинг қилаётган ишларини кўриб турувчи Зотдир, ҳеч бир ишлари Аллоҳдан махфий қолмайди.

لَقَدْ مَنَّ اللَّهُ عَلَى الْمُؤْمِنِينَ إِذْ بَعَثَ فِيهِمْ رَسُولًا مِنْ أَنْفُسِهِمْ يَتْلُوا عَلَيْهِمْ آيَاتِهِ وَيُزَكِّيهِمْ وَيُعَلِّمُهُمُ الْكِتَابَ وَالْحِكْمَةَ وَإِنْ كَانُوا مِنْ قَبْلُ لَفِي ضَلَالٍ مُبِينٍ (164)

164. Аллоҳ таоло араблардан бўлган мўминларга марҳамат кўрсатиб, улар ичларида ўзларидан бўлган, уларга Қуръон ўқиб берадиган, уларни ширкдан ва бузук ахлоқлардан поклайдиган ва уларга Қуръон ва Суннатдан таълим берадиган бир пайғамбарни чиқарди. Улар ушбу пайғамбар келишидан илгари очиқ залолат ва жаҳолатда эдилар.



أَوْلَمَّا أَصَابَتْكُمْ مُصِيبَةٌ قَدْ أَصَبْتُمْ مِثْلَيْهَا قُلْتُمْ أَنَّى هَذَا قُلْ هُوَ مِنْ عِنْدِ  
 أَنْفُسِكُمْ إِنَّ اللَّهَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ (165)

165. Эй мўминлар! Уҳуд куни бошларингизга бир мусибат келганида, — ҳолбуки сизлар Бадр куни мушрикларга бунинг икки баробарида мусибат етказган эдинглар — сизлар ажабланиб: “Биз мусулмон бўлсак, Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам орамизда бўлсалар, ана улар мушриклар бўлса, қандай бундай бўлади?!”, дедингиз. Эй пайғамбар, сиз уларга айтинг: Бошингизга тушган бу мусибат пайғамбарингизнинг амрига хилоф қилишингиз ва ўлжа йиғишга юзланишингиз сабабли, ўз нафсингиз томонидан етди. Албатта, Аллоҳ таоло Ўзи истаган ишини қилади, хоҳлаган нарсасини ҳукм қилади. Аллоҳ ҳар ишга кодир Зотдир.

وَمَا أَصَابَكُمْ يَوْمَ الْتَمَّى الْجَمْعَانِ فَبِإِذْنِ اللَّهِ وَلِيَعْلَمَ الْمُؤْمِنِينَ (166)

166. Уҳуд жангида мўминлар билан мушриклар ўзаро тўқнашиб, ғалаба аввалда мўминлар томонида бўлиб, кейин мушрикларга бўлган кунда сизларга етган қатлу жароҳатларнинг барчаси Аллоҳнинг қазо-қадари билан ҳамда Аллоҳ Ўзи азалдан билган нарсани кўрсатиб қўйиши ва ораларингиздаги чин мўминларни ажратиб, билдириб қўйиши учун бўлди.

وَلِيَعْلَمَ الَّذِينَ نَافَقُوا وَقِيلَ لَهُمْ تَعَالَوْا قَاتِلُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ أَوْ ادْفَعُوا قَالُوا لَوْ  
 نَعَلْنَا قِتَالًا لَا تَتَّبَعُنَاكُمْ هُمْ لِلْكَفْرِ يَوْمئِذٍ أَقْرَبُ مِنْهُمْ لِلْإِيمَانِ يَقُولُونَ  
 بِأَفْوَاهِهِمْ مَا لَيْسَ فِي قُلُوبِهِمْ وَاللَّهُ أَعْلَمُ بِمَا يَكْتُمُونَ (167)

167. Яна бу нарса дилларидаги нарсаларни Аллоҳ фош қилиб қўйган мунофиқларнинг кимлигини билдириб қўйиш учун эди. Мўминлар уларга: “Келинлар, биз билан бирга Аллоҳ йўлида жанг қилинлар, ёки сонимизни кўпайтириб, бизга таянч бўлиб туринлар”, дейишганида улар: “Агар биров билан урушишларингни аниқ билганимизда, албатта биз сизлар билан бирга бўлар эдик”, деб айтишди. Улар ўша куни иймондан кўра куфрга яқинроқ бўлдилар, чунки тиллари дилларида бўлмаган гапни айтар эди. Аллоҳ улар қалбларида яшираётган нарсани яхши билувчидир.

الَّذِينَ قَالُوا لِإِخْوَانِهِمْ وَقَعَدُوا لَوْ أَطَاعُونَا مَا قُتِلُوا قُلْ فَادْرَأُوا عَنْ أَنْفُسِكُمُ  
الْمَوْتَ إِنْ كُنْتُمْ صَادِقِينَ (168)

168. У мунофиқлар ўзлари жангга чикмай ўтириб олган ва Уҳуд куни мушрикларга қарши урушда мусулмонлар билан ёнма-ён уришиб, мусибатланган биродарлари ҳақида: “Агар улар бизнинг сўзимизга киришса, ҳозир ўлдирилмаган бўлишар эди”, деб айтган кимсалардир. Эй пайғамбар, сиз уларга: “Агар сизларнинг, улар бизнинг сўзимизга кирганларида ўлдирилмаган бўлишар эди, деган даъвонгиз ва ўзингизни урушга чикмай ўтирганингиз сабабли ўлимдан қутулиб қолдик, деган даъвонгиз рост бўлса, қани, унда ўлимни ўзингиздан даф қилинларчи!”, деб айтинг.

وَلَا تَحْسَبَنَّ الَّذِينَ قُتِلُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ أَمْوَاتًا بَلْ أحيَاءٌ عِنْدَ رَبِّهِمْ  
يُرَزَقُونَ (169)

169. Эй пайғамбар, Аллоҳ йўлида ўлдирилган кишиларни ҳеч нарсани ҳис қилмайдиган ўликлар, деб асло гумон қилманг. Балки улар барзах ҳаётида тирикдирлар. Улар У учун жиҳод қилишган ва Унинг йўлида ўлган Роббиларининг паноҳида, ҳимоясида ҳаётдирлар. Уларга жаннатдаги

ризқлари оқиб келиб туради. Улар ноз-неъматлар ичида бўладилар.

فَرِحِينَ بِمَا آتَاهُمُ اللَّهُ مِنْ فَضْلِهِ وَيَسْتَبْشِرُونَ بِالَّذِينَ لَمْ يَلْحَقُوا بِهِمْ مِنْ خَلْفِهِمْ أَلَّا خَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ (170)

170. Аллоҳ таоло уларга марҳамат қилиб, Ўз фазлу карами билан уларнинг кўзларини қувонтирадиган ноз-неъматлари, Ўз розилигини уларга ато этган пайтда, уларни бахтиёрлик қамраб олади. Улар ҳали ортларидан етиб келмаган мужоҳид биродарлари ҳам булар эришган мартабаларга эришишларини ўйлаб хурсанд бўладилар, чунки улар агар у мужоҳид биродарлари ихлос билан туриб Аллоҳ йўлида шаҳид бўлсалар, албатта булар эришган яхшиликларга эришишларини ва уларга ўзларини кутиб турган охират дунёсида ҳеч қандай хавф-хатар йўқлигини ва кўлларидан кетган бу дунё улуш-насибалари ҳақида улар ҳеч ғамгин бўлмасликларини яхши биладилар.

يَسْتَبْشِرُونَ بِنِعْمَةٍ مِنَ اللَّهِ وَفَضْلٍ وَأَنَّ اللَّهَ لَا يُضِيعُ أَجْرَ الْمُؤْمِنِينَ (171)

171. Улар Аллоҳнинг ўзларига ато этилган мўл-қўл неъматлари ва фазлу марҳаматлари билан ҳамда Аллоҳ таоло мўминларнинг ажрини зое қилмаслиги, балки уларнинг ажрини зиёда қилиб, қўпайтириб қўйиши сабабли жуда хурсанд ҳолатда бўладилар.

الَّذِينَ اسْتَجَابُوا لِلَّهِ وَالرَّسُولِ مِنْ بَعْدِ مَا أَصَابَهُمُ الْقَرْحُ لِلَّذِينَ أَحْسَنُوا مِنْهُمْ وَاتَّقُوا أَجْرٌ عَظِيمٌ (172)

172. У (мўмин)лар Аллоҳ ва Расулининг чақириғига лаббай деб жавоб берган, Уҳуд жангида ўзларига етган мағлубиятдан сўнг баданларида жароҳатлар ва алам-

оғриқлар бўлгани ҳолда мушрикларнинг ортидан қувиб Ҳамроул Асадгача чиқиб борган ва бу йўлда бор кучларини сарфлаган, пайғамбарларининг йўлини маҳкам тутган кишилардир. Улар ичидан муҳсин бўлган ва тақводор бўлган зотларга улкан ажру савоблар бордир.

الَّذِينَ قَالَ لَهُمُ النَّاسُ إِنَّ النَّاسَ قَدْ جَمَعُوا لَكُمْ فَاخْشَوْهُمْ فَزَادَهُمْ إِيمَانًا وَقَالُوا حَسْبُنَا اللَّهُ وَنِعْمَ الْوَكِيلُ (173)

173. Баъзи мушриклар уларга: “Абу Суфён ва унинг ҳамроҳлари сизларни бутунлай қириб ташлаш учун орқага қайтишга қарор қилишди, сизлар улардан ҳазир бўлинг ва улар билан тўкнашишдан эҳтиёт бўлинг, чунки уларга кучларингиз етмайди”, деб айтган пайтда, бу кўрқитув уларнинг Аллоҳнинг ваъдасига бўлган иймону ишончларини яна ҳам зиёдалаштирди ва уларни азму қарорларидан қайтара олмади. Улар Аллоҳ истаган жойгача юришда давом этдилар ва: “Аллоҳ Ўзи бизга кифоя, У нақадар яхши вакил — бандаларининг тадбири Унга топширилган Зот”, деб айтишди.

فَانْقَلَبُوا بِنِعْمَةِ مِنَ اللَّهِ وَفَضْلٍ لَمْ يَمَسَّهُمْ سُوءٌ وَاتَّبَعُوا رِضْوَانَ اللَّهِ وَاللَّهُ ذُو فَضْلٍ عَظِيمٍ (174)

174. Сўнг улар Ҳамроул Асаддан Мадинага Аллоҳнинг неъматини билан — Унинг мўл-кўл ажру савоблари ҳамда олий даражаларга эришиш билан қайтдилар. Иймону ишончлари яна ҳам зиёда бўлди. Аллоҳнинг душманларини хорликка гирифторм этдилар ҳамда уруш ва ўлимдан омон қолдилар. Аллоҳ ва пайғамбарига итоат қилишлари сабабли Аллоҳнинг розилигига эришдилар. Аллоҳ уларга ва улардан бошқаларга ҳам улуғ фазлу марҳамат Сохибидир.

إِنَّمَا ذَلِكُمُ الشَّيْطَانُ يُخَوِّفُ أَوْلِيَاءَهُ فَلَا تَخَافُوهُمْ وَخَافُونِي إِنْ كُنْتُمْ مُؤْمِنِينَ (175)

175. Албатта, бу ишда сизларни тўхтатиб қолмоқчи бўлган шайтоннинг ўзидир. У сизларни ўзининг дўстлари ва ёрдамчиларидан қўрқитмоқчи бўлиб келди. Бас, сизлар мушриклардан қўрқманглар, чунки улар ҳеч қандай ёрдамчиси бўлмаган заиф, ночор кимсалардир. Агар чиндан Мени тасдиқ этувчи ва пайғамбарларимга эргашувчи бўлсангиз, тоатимга юз буриш билан Мендангина қўрқинг-лар!

وَلَا يَخْزُنكَ الَّذِينَ يُسَارِعُونَ فِي الْكُفْرِ إِنَّهُمْ لَنْ يَصُرُوا اللَّهَ شَيْئاً يُرِيدُ اللَّهُ أَلَّا يَجْعَلَ لَهُمْ حِزْباً فِي الْآخِرَةِ وَلَهُمْ عَذَابٌ عَظِيمٌ (176)

176. Эй Пайғамбар, у кофирларнинг куфру залолатга шошилишлари сизнинг дилингизга ғамгинлик киритмасин. Улар бу ишлари билан Аллоҳга асло зарар етказа олишмайди. Балки, иймон ҳаловати ва улкан ажру савоблардан маҳрумлик билан фақат ўз жонларигагина зарар етказишади. Аллоҳ таоло охиратда улар учун ҳеч қандай насиба қилмасликни истади. Чунки, улар ҳақ даъватидан юз ўгирдилар. Ва улар учун қаттиқ азоб бордир.

إِنَّ الَّذِينَ اشْتَرُوا الْكُفْرَ بِالْإِيمَانِ لَنْ يَصُرُوا اللَّهَ شَيْئاً وَلَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ (177)

177. Албатта куфрни иймон ўрнига алмаштириб олган кимсалар Аллоҳга ҳеч қандай зарар етказа олмайдилар. Балки, бу қилмишларининг зарари фақат ўз жонларига қайтади. Охиратда улар учун аламли азоб бордир.

وَلَا يَحْسَبَنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا أَنَّمَا نُمِلُّ لَهُمْ  
لِيَرْذَلُوا إِثْمًا وَلَهُمْ عَذَابٌ مُهِينٌ (178)

178. Кофирлар Биз агар уларнинг умрларини узайтирган ва дунё матолари билан фойдалантириб қўйган, куфру гуноҳлари сабабли уларни жазоламаган бўлсак, шу билан асло ўзларини кўп яхшиликка эришган деб кўрмасинлар! Биз зулму тугёнда яна ҳам зиёда бўлишлари ва ҳаддиларидан ошишлари учун уларнинг муҳлатларини узайтириб, азобларини кечиктириб турамиз. Улар учун хор қилувчи азоб бордир.

مَا كَانَ اللَّهُ لِيَذَرَ الْمُؤْمِنِينَ عَلَىٰ مَا أَنْتُمْ عَلَيْهِ حَتَّىٰ يَمِيزَ الْخَبِيثَ مِنَ الطَّيِّبِ  
وَمَا كَانَ اللَّهُ لِيُظْلِعَكُمْ عَلَى الْعَيْبِ وَلَكِنَّ اللَّهَ يَجْتَبِي مِنْ رُسُلِهِ مَنْ يَشَاءُ  
فَأْمِنُوا بِاللَّهِ وَرُسُلِهِ وَإِنْ تُؤْمِنُوا وَتَتَّقُوا فَلَكُمْ أَجْرٌ عَظِيمٌ (179)

179. Эй Аллоҳу Расулига иймон келтирган ва Аллоҳнинг шариатига амал қилувчи кишилар, Аллоҳ сизларни бу ҳолингизда — мўмин билан мунофиқ аралаш бўлган ҳолатда қўйиб қўювчи эмасдир, У нопокни покдан, мунофиқни ҳақиқий мўминдан ажратиб, маълум қилмасдан қўймайди. Эй мўминлар, Аллоҳ таоло бандалари ичидаги Ўзи билган ғайб ишларни сизларга билдириб қўйиши ҳикматидан эмас. Агар шундай қилганда эди, мўминни мунофиқдан ажратиб билган бўлар эдингиз. Бироқ, Аллоҳ таоло уларни имтиҳон ва синовлар воситасида ажратиб чиқаради. Лекин, Аллоҳ таоло Ўз пайғамбарлари ичидан Ўзи истаган кишини ғайбга оид маълумотлардан баъзиларини Ўз ваҳийси билан хабардор қилиш учун танлаб олади. Сизлар Аллоҳ ва Расулига иймон келтиринглар. Агар ҳақиқий иймон келтирсангиз ва Роббингиздан Унга тоат қилиш билан тақво

қилсангиз, сизлар учун Аллоҳ ҳузурда улкан ажру савоблар бордир.

وَلَا يَحْسَبَنَّ الَّذِينَ يَبْخُلُونَ بِمَا آتَاهُمُ اللَّهُ مِنْ فَضْلِهِ هُوَ خَيْرًا لَّهُمْ بَلْ هُوَ شَرٌّ  
لَّهُمْ سَيُطَوَّقُونَ مَا يَجْلُونَ بِهِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَلِلَّهِ مِيرَاثُ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَاللَّهُ  
بِمَا تَعْمَلُونَ خَبِيرٌ (180)

180. Аллоҳ Ўз фазли-марҳамати билан ато этган нарса-ларга бахиллик қилаётган кимсалар бу бахилликларини харгиз ўзлари учун яхши деб ўйламасинлар! Балки, бу улар учун ёмондир. Чунки, тўплаган мол-дунёлари яқинда, қиёмат куни уларнинг бўйинларига ўраладиган оловли бўйинбоққа айланади. Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг Ўзигина мулкнинг эгасидир ва барча халқлар фанога юз тутганидан сўнг боқий қолувчи ёлғиз Унинг Ўзидир! У сизларнинг барча амалларингиздан хабардор Зотдир. У ҳар бир кишига ўзига муносиб жазо-ю мукофотларини албатта бергай.

لَقَدْ سَمِعَ اللَّهُ قَوْلَ الَّذِينَ قَالُوا إِنَّ اللَّهَ فَقِيرٌ وَنَحْنُ أَغْنِيَاءُ سَنَكْتُبُ مَا قَالُوا  
وَقَتَلَهُمُ الْأَنْبِيَاءَ بِغَيْرِ حَقٍّ وَنَقُولُ ذُوقُوا عَذَابَ الْحَرِيقِ (181)

181. Аллоҳ таоло “Аллоҳ бизга мухтож, молларимиздан Унга қарз беришимизни талаб қилади, биз боймиз”, деб айтган яҳудларнинг сўзини эшитди. Уларнинг бу сўзларини ёзиб кўямиз, шунингдек уларнинг ўз ота-боболари Аллоҳ-нинг пайғамбарларини зулму тажовуз билан ўлдиришганига рози эканликларини ҳам ёзиб кўямиз ва охиратда уларни мана шу билан ушлаймиз. Дўзах ўтида азобланишар экан, уларга: “Куйдирувчи дўзах азобини тотинглар”, деб айта-миз.

ذَلِكَ بِمَا قَدَّمْتُمْ أَيْدِيكُمْ وَأَنَّ اللَّهَ لَيْسَ بِظَلَّامٍ لِلْعَبِيدِ (182)

182. Бу қаттиқ азоб сизлар дунё ҳаётингиздан охиратга олиб келган сўз, амал ва эътиқоддаги гуноҳу маъсиятларингиз сабабдир, Аллоҳ бандаларига ҳаргиз зулм қилувчи эмасдир.

الَّذِينَ قَالُوا إِنَّ اللَّهَ عٰهَدَ اِلَيْنَا اَلَّا نُوْمِنَ لِرِسُوْلِ حَتّٰى يَأْتِيَنَا بِقُرْبٰنٍ تَاْكُلُهٗ النَّارُ  
قُلْ قَدْ جَاءَكُمْ رُسُلٌ مِّنْ قَبْلِى بِالْبَيِّنٰتِ وَبِالَّذِى قُلْتُمْ فَلِمَ قَتَلْتُمُوهُمْ اِنْ كُنْتُمْ

صٰدِقِيْنَ (183)

183. Ўша яҳудлар Исломига даъват қилинган пайтларида: “Аллоҳ Тавротда бизга: “Мен Аллоҳнинг Расулиман”, деб келган кишини то у Аллоҳга қурбат ҳосил қиладиган бир садақани келтирмагунича ва осмондан ўт тушиб, унинг садақасини ёндириб кетмагунича тасдиқламаслигимизга буюрган”, деб айтишди. Эй пайғамбар, сиз уларга айтинг: “Сизлар бу сўзингизда ёлғончидирсиз, чунки мендан илгари ҳам кўп пайғамбарлар ота-боболарингизга ўзларининг рост пайғамбар эканларига далил бўлувчи мўъжиза ва ҳужжатларни олиб келган эдилар, сизлар айтаётган олов келиб, куйдириб кетадиган қурбонликларни ҳам келтирган эдилар. Агар даъволарингизда рост бўлсанглар, нима учун ота-боболарингиз ўша пайғамбарларни ўлдирди?!”

فَاِنْ كَذَّبُوْكَ فَقَدْ كَذَّبَ رُسُلٌ مِّنْ قَبْلِكَ جَاۗءُوْا بِالْبَيِّنٰتِ وَالزُّبُرِ وَالْكِتٰبِ

الْمُنِيْرِ (184)

184. Эй пайғамбар, ўша яҳудлар ва улардан бошқа куфр аҳли агар сизни ёлғончи деган бўлсалар, сиздан илгари ҳам ўз қавмларига ҳайратомуз мўъжизалар, очиқ-равшан



хужжатлар, зулматларни ёритадиган нур бўлмиш самовий китобларни ва ёруғ нур-зиё таратувчи китобни олиб келган кўплаб пайғамбарларни у бузгунчилар ёлгончи дейишган.

كُلُّ نَفْسٍ ذَائِقَةُ الْمَوْتِ وَإِنَّمَا تُوَفَّوْنَ أَجُورَكُمْ يَوْمَ الْقِيَامَةِ فَمَنْ زُحِرَ عَنْ  
التَّارِ وَأُدْخِلَ الْجَنَّةَ فَقَدْ فَازَ وَمَا الْحَيَاةُ الدُّنْيَا إِلَّا مَتَاعُ الْغُرُورِ (185)

185. Ҳар бир жон ўлимни тотмай иложи йўқ. Барча халқлар Парвардигор хузурига ҳисоб-китоб бериш учун мана шу йўл билан қайтадилар. Албатта сизлар амалларингизга ажру мукофотларни қиёмат куни тўла-тўкис, камайтирилмаган ҳолда оласизлар. Парвардигори кимни иззатикром қилиб, дўзахдан қутқарган ва жаннатга киритган бўлса, у энг олий матлубга ва энг катта мақсадга эришибди. Дунё ҳаёти йўқ бўлиб кетувчи матодир, сизлар у билан алданиб қолманглар.

لَتَبْلُوَنَّ فِي أَمْوَالِكُمْ وَأَنفُسِكُمْ وَلَتَسْمَعَنَّ مِنَ الَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ مِنْ  
قَبْلِكُمْ وَمِنَ الَّذِينَ أَشْرَكُوا أَذًى كَثِيرًا وَإِنْ تَصْبِرُوا وَتَتَّقُوا فَإِنَّ ذَلِكَ مِنْ عَزْمِ  
الْأُمُورِ (186)

186. Эй мўминлар, сизлар молларингизда — вожиб ва мустаҳаб нафақаларни чиқариш билан ва молларингизга етадиган бало-ю офатлар билан — ҳамда жонларингизда — зиммангизга вожиб бўлган тоатларни қилиш, шунингдек, бошингизга тушадиган жароҳатланиш, қатл қилиниш, яқин кишилардан айрилиш каби мусибатлар билан — албатта имтиҳон қилинасизлар. Бу эса, ҳақиқий мўмин бошқалардан ажралиб туриши учундир. Яна сизлар яхуд, насоро, мушриклардан кулокларингизга озор берадиган ширк сўзларни ва динингизга бўлган маломатларни албатта эшитасизлар. Эй мўминлар, сизлар буларнинг ҳаммасига

сабр қилсангиз, Аллоҳдан Унинг тоатларини лозим тутиш ва Унинг маъсиятидан четланиш билан тақво қилсангиз, албатта бу нарса азму қарор қилинадиган ва Унинг йўлида рақобат қилинадиган ишлар жумласидандир.

وَإِذْ أَخَذَ اللَّهُ مِيثَاقَ الَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ لَتُبَيِّنُنَّهُ لِلنَّاسِ وَلَا تَكْتُمُونَهُ  
فَنَبَذُوهُ وَرَاءَ ظُهُورِهِمْ وَاشْتَرَوْا بِهِ تَمَنَّا قَلِيلًا فَبِئْسَ مَا يَشْتَرُونَ (187)

187. Эсланг эй пайғамбар, Аллоҳ китоб аҳли бўлмиш яҳуд ва насородан ўзларига берилган Таврот ва Инжилга амал қилиш ва ундаги нарсаларни одамларга баён қилиб бериш, ундан бирор нарсани яширмаслик борасида қатъий аҳду паймонни олган эди. Сўнг улар ана шу аҳдларини бузишди ва унга амал қилишмади. Ҳақни яширишлари ва китобни ўзгартиришлари муқобилига жуда арзимас қийматни қўлга киритишди. Уларнинг аҳду паймонни зое қилиш ва китобни ўзгартириш билан қилган бу олди-соттилари нақадар ёмон иш бўлди!

لَا تَحْسَبَنَّ الَّذِينَ يَفْرَحُونَ بِمَا آتَوْا وَيُجِبُونَ أَنَّ يُحْمَدُوا بِمَا لَمْ يَفْعَلُوا فَلَا  
تَحْسَبَنَّهُمْ بِمَفَازَةٍ مِنَ الْعَذَابِ وَلَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ (188)

188. Ўз ёмон қилмишлари билан хурсанд бўладиган ва одамлар уларни қилмаган ишлари билан мақташларини яхши кўрадиган яҳудлар, мунофиқлар ва улардан бошқаларни сиз ҳаргиз бу дунёда Аллоҳнинг азобидан қутулиб қолувчи деб ўйламанг. Улар учун охиратда аламли азоб бор.

Ушбу оятда ҳар қандай ёмон ишни қилувчи ва шу билан мағрурланувчи ҳамда одамларнинг мақтовларини эшитиш мақсадида қилмаган ишларини айтиб фахрланадиган одамларга қаттиқ азоб ваъдаси бордир.

وَلِلَّهِ مُلْكُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَاللَّهُ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ (189)

189. Осмонлару Ернинг ва улар ўртасидаги барча нарсанинг эгадорлиги ягона Аллоҳнинг Ўзигадир. Аллоҳ ҳар бир ишга қодир Зотдир.

إِنَّ فِي خَلْقِ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَاخْتِلَافِ اللَّيْلِ وَالنَّهَارِ لَآيَاتٍ لِأُولِي الْأَلْبَابِ (190)

190. Шубҳасиз, осмонлару Ерни илгари ўхшаши бўлмаган суратда яратилишида ҳамда кеча-ю кундузнинг алмашилиб туриши ва узун-қисқаликда фарқлиб туришида соғлом ақл эгалари учун Аллоҳнинг ягоналигига улкан далил ва ҳужжатлар бордир.

الَّذِينَ يَذْكُرُونَ اللَّهَ قِيَامًا وَقُعُودًا وَعَلَىٰ جُنُوبِهِمْ وَيَتَفَكَّرُونَ فِي خَلْقِ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ رَبَّنَا مَا خَلَقْتَ هَذَا بَاطِلًا سُبْحَانَكَ فَقِنَا عَذَابَ النَّارِ (191)

191. Улар барча ҳолатларида: тик турганларида ҳам, ўтирганларида ҳам, ётганларида ҳам Аллоҳни ёдга оладилар. Осмонлару Ернинг яратилиши ҳақида тафаккур қилиб: “Эй Роббимиз! Сен бу мавжудотларни беҳудага яратганинг йўқ, Сен бундай қилишдан пок Зотсан, Ўзинг бизни дўзах азобидан сақлагин”, деб айтадилар.

رَبَّنَا إِنَّكَ مَنْ تَدْخُلُ النَّارَ فَقَدْ أَخْرَجْتَهُ وَمَا لِلظَّالِمِينَ مِنْ أَنْصَارٍ (192)

192. Эй Роббимиз, Ўзинг бизни дўзахдан асрагин! Эй Аллоҳ, Сен кимни гуноҳлари сабабли дўзахга киритсанг, уни шармандаи шармисор қилибсан. Ўз жонларига зулм

килувчи гуноҳкорларга қиёмат куни Аллоҳнинг азобини улардан даф қиладиган бирорта ҳам ёрдамчи бўлмагай.

رَبَّنَا إِنَّتَا سَمِيعٌ مُنَادِيًّا يِنَادِي لِلْإِيمَانِ أَنْ آمِنُوا بِرَبِّكُمْ فَآمَنَّا رَبَّنَا فَاغْفِرْ لَنَا  
ذُنُوبَنَا وَكَفِّرْ عَنَّا سَيِّئَاتِنَا وَتَوَقَّنَا مَعَ الْأَبْرَارِ (193)

193. Эй Роббимиз, биз бир жарчини, яъни пайғамбаринг Муҳаммад соллалоҳу алайҳи ва салламни одамларга нидо қилиб, Сенга иймон келтириш, Сенинг ягоналигинга иқроқ бўлиш ва шариатингга амал қилишга чорлаётганларини эшитдик. Ва у зотнинг даъватларига ижобат қилдик, рисолатларини тасдиқладик. Эй Роббимиз, бизнинг гуноҳларимизни Ўзинг мағфират қил, айбларимизни яширгин ва бизни яхшилар билан вафот эттириб, солиҳларга қўшгин.

رَبَّنَا وَآتِنَا مَا وَعَدْتَنَا عَلَىٰ رُسُلِكَ وَلَا تُخْزِنَا يَوْمَ الْقِيَامَةِ إِنَّكَ لَا تُخْلِفُ  
الْمِيعَادَ (194)

194. Эй Роббимиз, Ўзинг пайғамбарларинг тилида бизга ваъда қилганинг нусрат, ғалаба, тавфиқ ва ҳидоятни ато этгин. Қиёмат куни гуноҳларимиз сабабли бизни шарманда қилмагин. Сен бандаларингга берган ваъдангга ҳаргиз хилоф қилмайдиган жўмард ва улуғ Зотсан.

فَاسْتَجَابَ لَهُمْ رَبُّهُمْ أَنِّي لَا أُضِيعُ عَمَلَ عَامِلٍ مِّنْكُمْ مِّنْ ذَكَرٍ أَوْ أُنثَىٰ  
بَعْضُكُمْ مِنْ بَعْضٍ فَالَّذِينَ هَاجَرُوا وَأُخْرِجُوا مِنْ دِيَارِهِمْ وَأُوذُوا فِي سَبِيلِ  
وَقَاتَلُوا وَقُتِلُوا لَأُكَفِّرَنَّ عَنْهُمْ سَيِّئَاتِهِمْ وَلَأُدْخِلَنَّهُمْ جَنَّاتٍ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا  
الْأَنْهَارُ تَوَابًا مِّنْ عِنْدِ اللَّهِ وَاللَّهُ عِنْدَهُ حُسْنُ الثَّوَابِ (195)

195. Аллоҳ таоло уларнинг дуоларини ижобат қилиб дедики, У солиҳ амал қилган ҳар қандай кишининг — ҳоҳ эркак бўлсин, ҳоҳ аёл бўлсин — қилган ҳаракатларини асло зое кеткизмайди. Зотан, улар диндаги биродарликда ҳамда амалларнинг қабул бўлиши ва уларга бериладиган жазо-ю мукофотларда баробардирлар. Аллоҳ таолонинг розилигини истаб ҳижрат қилган ва диёрларидан қувилган, Роббиларининг тоатида ва Роббиларига бўлган ибодат учун озорларга дучор бўлган, Аллоҳ йўлида Унинг калимасини олий қилиш учун жанг қилган ва шу йўлда ўлдирилган кишиларнинг гуноҳларини худди дунёда яширганидек яширишини ва ўша гуноҳларнинг ҳисоб-китобини қилмаслигини ваъда берди. Аллоҳ таоло уларнинг гуноҳларини албатта кечиради ва албатта уларни қасрлари ва дарахтлари остидан анҳорлар оқиб турадиган жаннатларга киритади. Бу Аллоҳ таоло томонидан бўлган мукофотдир. Аллоҳнинг хузурида гўзал ажру савоблар бордир.

لَا يَغْرَنَّاكَ تَقَلُّبُ الَّذِينَ كَفَرُوا فِي الْبِلَادِ (196)

196. Эй пайғамбар, куфр аҳлининг яхши яшаб туришлари, ризклари мўл-кўллиги, тижорат, фойда ва мол-дунё талабида Ер юзида айланиб юришлари сизни асло алдаб қўймасин. Оз фурсатдан сўнг буларнинг ҳаммаси йўқ бўлади ва улар ўзларининг ёмон қилмишлари гаровига айланадилар.

مَتَاعٌ قَلِيلٌ ثُمَّ مَاؤَاهُمْ جَهَنَّمَ وَيَسُ الْمِهَادُ (197)

197. Бу ҳаммаси йўқ бўлиб кетувчи озгина матодир. Кейин қиёмат куни уларнинг оқибати дўзахдир. Дўзах нақадар ёмон ўриндир!

لَكِنَّ الَّذِينَ اتَّقَوْا رَبَّهُمْ لَهُمْ جَنَّاتٌ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ خَالِدِينَ فِيهَا نُزُلًا  
مِنْ عِنْدِ اللَّهِ وَمَا عِنْدَ اللَّهِ خَيْرٌ لِلْأَبْرَارِ (198)

198. Лекин, Роббиларидан кўрққан, Унинг буйруқларига бўйсуниб, қайтарикларидан тийилган кишилар учун Аллоҳ таоло дарахтлари остидан анҳорлар оқиб турадиган жаннатларни ҳозирлаб кўйгандир. Ўша жаннатлар уларнинг абадий манзилларики, ундан асло чиқарилмайдилар. Аллоҳ таоло Ўзига тоат қилувчи зотларга ҳозирлаб кўйган бу нарсалар кофирлар ҳузур қилаётган бу дунё нознеъматларидан кўра улуғроқ ва афзалроқдир.

وَإِنَّ مِنْ أَهْلِ الْكِتَابِ لَمَنْ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَمَا أُنزِلَ إِلَيْكُمْ وَمَا أُنزِلَ إِلَيْهِمْ  
خَاشِعِينَ لِلَّهِ لَا يَشْتَرُونَ بِآيَاتِ اللَّهِ ثَمَنًا قَلِيلًا أُولَئِكَ لَهُمْ أَجْرُهُمْ عِنْدَ رَبِّهِمْ  
إِنَّ اللَّهَ سَرِيعُ الْحِسَابِ (199)

199. Албатта, аҳли китоблар ичида Аллоҳ таолони ягона Парвардигор ва ибодатга сазовор ягона маъбуд деб тасдиқ этадиган ва сизларга нозил қилинган бу Қуръонга ва ўзларига нозил қилинган Таврот ва Инжилга иймон келтирадиган, Аллоҳга итоат этиб, Унга бўйсунадиган, Аллоҳнинг оятларини бу дунё матоларидан иборат арзимас баҳога сотиб юбормайдиган ва Аллоҳ нозил қилган нарсаларни бошқа аҳли китоблар каби ўзгартириб яширмайдиган кишилар ҳам бордир. Улар учун Роббиларининг ҳузурда Унга йўлиқадиган кунларида улкан ажру савоблар бор. Аллоҳ уларнинг савобларини тўла-тўқис ва ҳеч камайтирилмаган ҳолатда беради. Албатта Аллоҳ таолонинг ҳисоб-китоби жуда тездирки, уларнинг амалларини ҳисоб-китоб қилиш ва жазо-ю мукофотларини бериш Унга асло қийин эмасдир.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اصْبِرُوا وَصَابِرُوا وَرَابِطُوا وَاتَّقُوا اللَّهَ لَعَلَّكُمْ  
تُفْلِحُونَ (200)

200. Эй Аллоҳ ва Расулини тасдиқ этувчи ва Аллоҳнинг шариатига амал қилувчи кишилар! Роббингизнинг тоатида сабр қилинглр, бошингизга келаётган машаққат ва синовларда сабр қилинглр! Душманларингиздан сабр борасида устун келинглр, тоинки улар сизлардан кўра сабрлироқ бўлиб чиқмасинлар! Менинг ва сизларнинг душманларингизга қарши жиҳод қилишда маҳкам туринглр! Барча ҳолатингизда Аллоҳдан кўрқинглр! Шояд, дунё-охиратда Аллоҳнинг розилигига эришгайсизлар.